Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 24 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 93 (7392)

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД

Terrorizm balosi qadimdan mavjud. Террорчилар турли сабаблар ва вазиятлар оқибатида, асосан нафс туфайли ва ҳокимият илинжида бош кўтаради. Уларнинг барчаси учун хос бўлган хусусият — ўз мақсадларига одамларни даҳшатга солиш, қўрқитиш орқали етишга уриниш. Бунинг учун улар шундай усул ва воситалардан фойдаланадиларки, натижада муайян ҳолларда кўзлаган мақсадга эришадилар ҳам. Акс ҳолда бу иллат жамиятда бунчалик узоқ яшамаган бўлар эди.

Террорчиларнинг энг яқин кўмакчиси одамлардаги қўрқув ва ваҳима туйғуси. Одамлардаги мана шу туйғудан террорчилар минглаб йиллардан буён фойдаланиб келадилар. Одамлар улардан ва уларнинг дағдағасидан қанчалик қўрқишса, ваҳимага тушса улар ўз мақсадларига шунчалик тез етишади. Шунинг учун террорчилик юз берганда ваҳимага тушган одам террорчининг қулига айланади.

Қадимги террорчилар кичик-кичик гуруҳ бўлиб фаолият юритишган. Яқин вақтларгача мавжуд бўлган йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳам асосий мақсади бойлик орттириш, қуллар ва канизакларни кўпайтириш бўлган. Баъзан террорчи давлатлар ҳам учраб турарди. Масалан, ҳашшошийлар давлати яқин-атрофдагиларга даҳшат солиб бойлик тўплар, шу йўл билан тирикчилик ўтказарди. Лекин бундай давлатлар сони кўп эмасди. Уларнинг фаолияти муайян минтақа, нари борса 2-3 давлат ҳудудидан четга чиқмасди.

Munosabat

XX асрда, асосан унинг сўнгги чорагида авж олган глобаллашув терроризмнинг ҳам халқаро миқёсга чиқиши учун туртки бўлди. Аср сўнггида ўнлаб халқаро террористик ташкилотлар пайдо бўлди. XX асргача террорчилар асосан иқтисодий мақсадлар — бойлик тўплаш учун ҳаракат қилган бўлсалар, энди улар борган сари кўпроқ сиёсий талаблар билан ҳам чиқа бошладилар. XXI аср бошларидаги халқаро террористик гуруҳларнинг кўпчилиги асосан сиёсий мақсадларни кўзлаб фаолият юритмоқда. Ҳозир мавжуд бўлган халқаро террористик ташкилотларнинг шиорларига, мақсадларига шунчаки кўз югуртирилса улар гўё террористик эмас, диний ташкилотдай туюлади. Улар, айниқса, ислом дини тарқалган минтақалардагилари ўзларига шундай номларни қўядиларки, бу номга қараган одамларда бу ташкилотлар фақат тоат-ибодат билан шуғулланадиган диний ташкилот экан, деган тушунча пайдо бўлади (Масалан, Мусулмон бирадарлар, Ислом Уйғониш партияси, Тавба, Нур, Ислом Озодлик партияси ва бошқалар). Улар ўзларининг фаолияти ҳудудларига қараб насроний дини (ЭТА, ИРА ва бошқалар), буддавийлик ("Тамил илам", "АУМ Синрикё"), исломий (ҲАМАС, ал-Қаида ва бошқалар) шиорларини олға суришади. Уларнинг шиорларини, баъзан эса диний ақидалар учун жон фидо қилаётганликларини кўриб, улар роса тақводор, тоат-ибодатга муккасидан кетган одамлар, деган тасаввур пайдо бўлади. "Ё, худо", деб ўзини портлатиб юбораётган йигитчани кўрган ҳар қандай одам, у худо йўлида жонидан кечди, деб ўйлаши мумкин. Аслида эса бу воқеанинг зоҳирий томони, ботинида эса бошқа нарсалар бор. Ё, худо деб ўзини қурбон қилаётган йигитлар, аслида уларнинг ўзлари бундан бехабар бўлиб кўпинча худога эмас, шайтонга хизмат қилаётганини билмайдилар. Улар террористик гуруҳ "доҳий"ларининг қўлида бир ўйинчоққа айланган бўлишади. Масалан, ҳашшошийлар давлатида оддий фуқаро ёки аскарларга бангивор моддалар бериш, маст ҳолатда уларни аёлларга қўшиш орқали уларни гўё жаннатга олиб киргандар. Фақат бу билан чекланмай, пухта ўйлаб тузилган тарғибот ишлари ҳам олиб борилган. Қарабсизки, бу йигитлар ўша ўзлари кўрган "жаннат"га етиш учун ўлимга ҳам тайёр бўлиб қолишган.

Соф диний шиорлар, яъни пайғамбар қабрини ғайридинлардан тозалаш учун, деб ўтказилган салб юришларининг барчаси ҳам аслида бойлик тўплаш мақсадида ўтказилган эди. Салибчилар Исо Масиҳ қабри жойлашган Қуддуси шарифни босиб олганларида ҳар сафар пайғамбар қабри эсдан чиқиб аҳолини талашга кетардилар. Ҳар сафар ҳам улар тўплаган бойликларнинг катта қисми шу юришларни уюштирган корчалонлар қўлида тўпланар, бу юришларнинг бутун жабри, оғирлиги ва қурбонлари оддий аскарлар елкасида эди.

Сўнгги салб юришларидан бирида эса бегуноҳ болаларни худо зафарга осонроқ эриштиради, деб Европа давлатларидан бир неча ўн минг ўспиринларни тўпладилар ва Исо қабрини ғайридинлардан халос қилиш учун салб юришларига юбордилар. Бу салибчи йигитчалар тушган кемалар Ўртаер денгизида бир ҳовуч қароқчилар томонидан қўлга олинди ва "салибчи рицар"лар турли мамлакатларда қул қилиб сотиб юборилди.

(Давоми 3-бетда)

«YIL O'QITUVCHISI-2001»

— Ўқувчи билмаганини ўрганишга эмас, билганини айтиб бериш учун мактабга келиши, биз педагогларнинг услубимиздаги яна бир хатоимиз, — деди «Йил ўқитувчиси-2001» республика кўрик-танлови иштирокчиси, Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси Рустам Муродов. — Ўқувчида билимини намойиш этишга қанчалик иштиёқ катта бўлса, билмаганини билишга ҳам шундай кучли эҳтиёж пайдо қилиш керак. Бу эса ўқувчининг мустақил қарор қилиш ва фикр юритиш қобилиятини шакллантиради.

Айтиш жоизки, Рустам Муродов кўрик-танлов кунлари Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилар ҳузурида ҳам ана шу фикр асосида дарс ўтиб, ўзига хос услубини намойиш этди. Дарсда нима, қандай, ким учун саволларини қўллаб, бозор иқтисодиёти даври тушунчалари моҳиятини ўқувчиларга етказа билди. Ўғил-қизларнинг ҳар бир чиқиши рағбатлантириб борилди. Хуллас, жиззахлик йигитнинг дарс усули кўпчиликни ҳайратлантирди.

Суратда: фидойи муаллим Рустам Муродов ноанъанавий дарсини кўргазмали ўқув қўлланмалар ёрдамида ўтаётир.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ
2-бет

ҲОКИМЛИКЛАР ЭЪТИБОРИ ЗАРУР
4-бет

Пўлат МЎМИН
«МЕҲМОНХОНА» МИЗДА!
5-бет

ФИЗИОЛОГИЯГА ҚАНДАЙ АСОС СОЛИНГАН?
13-бет

— Мен мол-дунё йиғмадим, қизим. Тўплаганим газета-китоб бўлди. Фарзандларимни илмли қилдим. Ҳаётдан ўз ўринларини топишди. Турмушдан англаган ҳикматим шу бўлдики, бойлик ҳам, нафс ҳам ўткинчидир. Бу дунёда боқий қоладигани илму ҳунардир, яхшилик ва меҳру оқибатдир.

Gazeta va gazetxon

ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ

I

Ер билан битта бўлиб ётган газета парчаларини кўриб, домланинг жиғибийрони чиқди; бебош болаларнинг иши, почта яшикни титишади-да, ўқиса-ўқимаса йиртиб ташлашади. Бунга бир одам пул сарфлаб ёзилгани билан зумрашаларнинг ишлари ҳам йўқ. Бундай ҳол бир неча марта такрорланди.

Домла бу ҳақда 208-алоқа бўлимига мурожаат қилди. Хат ташувчи энди у муттасил ёзиладиган "Маърифат", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталарини яшикка эмас, эшикни тақиллатиб, ичкарига — аёли, келини, невараси ёки ўғлига ташлаб кетадиган бўлди.

II

Айрим зиёлилар умуман газета-журнал ўқишмайди, обуна бўлишга пулларини қизғанишади. Балки уларни ҳам тушуниш керакдир. Рўзғор ташвишларининг аксарияти пул масаласига бориб тақалади. Лекин газета-журнал ўқийман, янгиликлардан бохабар бўламан, деган киши, кўзини чирт юмиб, бир ойлик маошининг баҳридан кечиши керак. У 1946 йилдан бери шундай қилади, маоши барча ҳамкасбларини қатори, оз эмас, ўн фарзандни улғайтириб, уйли-жойли қилди.

Инсонга яшаши учун аслида кўп нарса керак эмас; оҳорли 2-3 сидра кийим-кечак, етарли даражадаги озиқ-овқат, кўрпа-тўшак. Аммо унинг маънавий эҳтиёжлари ҳам бор. Домла Муҳиддин Жўраев газета-журналларсиз туролмайди, нашрларни ўзига сув ва ҳаводек зарур деб билади. Мабодо ўзи обуна бўлган нашрларнинг у-бу сони уйига келмай қолса, зудлик билан Акмал Икромов туманидаги 208-алоқа бўлимига сим қоқади. Бир-икки марта "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясига ҳам борган. Обуначи ўз ҳақ-ҳуқуқини қаердан талаб қилиб олиши кераклигини у киши яхши билади.

III

Муҳиддин Жўраев ўз юрак тўридаги нашрларни нафақат ўқийди, балки уларнинг муаллифи ҳамдир. У кишининг архивида "Ўқитувчилар газетаси" (ҳозирги "Маърифат")нинг 1946 йилги сони сақланмоқда. Ўша пайтлар домла Қўқон Давлат педагогика институти талабаси бўлиб, бу ердаги учрашув ҳақида хабар ёзган экан. Кейинчалик таълим муассасаларида, илмий тадқиқот институтларида ишлар экан, у киши шоир-ёзувчилар ижоди бўйича 400 га яқин оммабоп мақолаларни эълон қилди. Домла буларнинг барчасини кўз қорачиғидек асрайди. Сарғайиб кетган, букламларидаги ҳарфларни зўрға ўқиш мумкин бўлган газеталар тарихдир, деб фикрлайди у киши.

IV

Тарих ва бугунни кўрган кекса муштарий Муҳиддин Жўраев минг бора шукр қилади. Нимага? У узоқ йиллардан бери қўлидан қўймай ўқиб келаётган газетанинг мазмун-мундарижаси эндиликда бутунлай ўзгарди. Мисол учун, Ўзбекистон ҳақидаги хабарлар ҳам "ТАСС" орқали узатиларди. Энди эса ахборот ва хабарларни Ўзбекистоннинг ўзидан узатишнинг хилма-хил имкониятлари мавжуд. Айниқса, домла ўзининг севимли нашри — "Маърифат"нинг шанба сонини ўғил-қизлари, невералари даврасида ҳузур қилиб ўқийди. Кези келса, бошқотирмаларни ҳам ечишга уринади.

— Мен мол-дунё йиғмадим, қизим. Тўплаганим газета-китоб бўлди. Фарзанд-ларимни илмли қилдим. Ҳаётдан ўз ўринларини топишди. Турмушдан англаган ҳикматим шу бўлдики, бойлик ҳам, нафс ҳам ўткинчидир. Бу дунёда боқий қоладигани илму ҳунардир, яхшилик ва меҳру оқибатдир.

Ҳаётдан ўз сабоқларини олаётган кишининг бу фикрлари аслида ҳам аллақачон ўз исботини топган.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция ташқи ишлар вазирлигининг Франкофония ва ҳамкорлик масалалари бўйича вазири Шарл Жосселен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги вазият ҳамда Афғонистон халқига ёрдам кўрсатиш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йиғилишида "Оила кодекси"ни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларига тааллуқли қоидаларнинг Фарғона вилоятида ижроси масаласи муҳокама қилинди.

ТАНЛОВ

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли умумтаълим мактаблари ўртасида якунланган "Президент асарлари билимдони" танловида 2-республика кўп тармоқли педагогика лицейининг 10-синф ўқувчиси Насиба Худойберганова ғолиб чиқиб, шу йил 14 декабрь куни Тошкентда ўтадиган республика босқичига йўлланма олди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги, СОРОС жамғармаси, "SAVE THE CHILDERN" (Буюк Британия) ташкилотлари ҳамкорлигида "Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш" мавзуидаги илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференция очилиш маросимида халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов сўзга чиқиб, республика таълим марказининг Махсус таълим бўлими жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг узлуксиз таълими мазмуни билан шуғулланаётганлигини, марказнинг ўзи эса инклюзив таълимни жорий этувчи бош илмий-услубий мувофиқлаштирувчи марказ эканлигини алоҳида таъкидлади ҳамда бу борада мамлакатимизда қилинаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

— Бундан асосий мақсад, Давлат таълим стандартлари талабларига мос таълимни ташкил этиш ва алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар учун шароит яратиш, ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирлар таълимини шакллантириш; махсус таълим соҳаси бўйича нашр ишларини мувофиқлаштириш; — олимпиада, спартакиада ва курик-танловлар орқали ногиронлар ўртасида иқтидорли болаларни аниқлашдан иборат, — дейди республика Таълим маркази директори Г.Алимова.

Бугунги келиб марказ ЮНЕСКО, "Мерси Прожект" (АҚШ), "Оперешен Мерси" (Швеция), KAFE, "Болаларга табассум" ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Бу куни халқаро экспертларнинг маърузалари ҳам тингланди. Шундан сўнг конференция Тошкент шаҳар 101-кар-соқов болалар интернати тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари билан якунланди.

Ш.АҲМАТОВ

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, Республикамизда жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тадбир, жумладан, пойтахтимизнинг барча туманларида фаоллик билан давом эттирилаяпти. Бу борадаги энг яхши омил сифатида аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш кенг йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар бир қатор ўқув юртлари, корхоналарда, аҳоли турар жойларида учрашувлар ўтказилди ҳамда 10 мингдан ортиқ эслатмалар тарқатилди. Шунингдек, тушунтириш ишларининг энг мақбул йўли сифатида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилаяпти.

Бундан ташқари 30 та корхона ва муассасалар ҳамда 1600 га яқин фуқаролар хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолатлари текшириб чиқилди. Камчиликлар бор жойларда ва шунингдек, қоидаларни бузган шахсларга нисбатан керакли чоралар кўрилди.

«Қарс икки қўлдан чиқади» деган ақидага қарамай, афсуски, фуқароларнинг лоқайдликлари туфайли ёнғинлар сони камаймаётир. Бундай фожеаларга аксарият ҳолларда қаровсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнашлари, электр ёки газ ускуна қурилмаларининг носозлиги ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлиги бўлмиш инсон ҳаётини ўт балосидан асраш — бу барчанинг иши. Шунинг учун хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан текширишлар мобайнида аниқланган барча камчиликларни вақтида бартараф этишимиз келгуси осойишта турмушимизнинг асосий омилларидан бири саналади.

Р.ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими

Дилором Мақсудова Олтиариқ туманидаги иқтидорли болалар мактабида инглиз тилидан сабоқ беради. Ўзининг 18 йиллик меҳнат фаолияти давомида инглиз тилида бурро гапира оладиган, ўзлаштирган билимлари туфайли дунёга чиққан шогирдлар орттирган муаллима (суратда) ҳар бир дарсни алоҳида ижодий иш сифатида ўтади.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

Наршахий номидаги вилоят болалар кутубхонаси, О.Хўжаев номидаги Бухоро маданият коллежи, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари вилоят илмий услубият Маркази ҳамкорликда "Оналар ва болалар йили"га бағишлаб "Аёл дунёни тебратар" мавзусида адабий-бадиий мусиқали кеча ўтказди. Кечада кутубхона раҳбари Мавлуда Султонова сўзга чиқиб, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари, фарзандлар тарбиясидаги роли тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Кечада маданият коллежи ўқитувчи ва талабалари иштирокида оналарни мадҳ этувчи шеър, қўшиқ ва ашулалар ижро этилди ҳамда Алишер Навоийнинг "Адолатли шоҳ Ғозий" асаридан саҳна кўриниши намойиш этилди. Кеча якунида фаол иштирок этганларга кутубхона маъмурияти томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Кеча иштирокчилари "Муқаддассан аёл" деб номланган китоб кўргазмаси билан танишдилар.

ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ САНЪАТ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Яқинда Пастдарғом тумани Жума шаҳрида санъат ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. Ушбу ўқув маскани мусиқага ихлосманд ёшларни рағбатлантириш, шу билан бирга туман ҳудудидаги кам таъминланган оилалар, маҳаллалар, мактаб, боғча, касалхоналарга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида "Шарон" иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан бунёд этилди. Бу республикамизда биринчи бор ташкил этилган нодавлат санъат ўқув Маркази бўлиб, Жанубий Корея фуқароларининг фарзандлари ҳам масканда мусиқа ва бадиий-ижодий ихтисосликлар бўйича билим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Масканнинг манзараси ўзгача: гўзал иншоотларнинг суврату сийрати бир-бирини такрорламайди. Катта-кичик концерт заллари, синфхоналар, ҳар бир талаба билан машғулот ўтказиладиган алоҳида хоналар, ошхона ва бошқа ёрдамчи бинолар киши диққатини жалб этади.

— Жамғармамиз мақсади бундан буён ҳам саҳоватпешалик ишларида фаол қатнашиш, Ўзбекистон мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилиш, қолаверса, ўзбек-корейс миллатлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, шубҳасиз, менинг қалбимни чароғон айлайди, — дейди Марказ раҳбари Ким Кван Жун.

Садбархон ЖЎРАЕВА

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан олдинги юришларнинг иштирокчилари қул қилиб сотилмаган бўлсалар ҳам, аслида улар ўз бошлиқларининг қуллари эдилар. Улар Исонинг қабрини нопок ғайридинлардан тозалаш шиори билан алданиб, кўпчилигининг умри сарсонликда, хўжайинлар учун талончилик қилиш билан ўтиб кетди.

Тарихни синчиклаброқ ўрганиш "жиҳод" номи билан амалга оширилган кўп хатти-ҳаракатлар на ислом динига, на шу ҳаракатларда иштирок этган мусулмонларга ҳеч қандай наф келтирмаганини кўрсатади. Кўҳна тарихни қўйиб турайлигу шундай "жиҳод"лардан охиргиси — АҚШда 11 сентябр куни содир этилган портлашларни олиб кўрайлик. Бу портлашлардан фақат насроний ёки яҳудий америкаликларгина эмас, америкалик мусулмонлар ҳам жабрланди. Мана шу портлашларнинг асосий ташкилотчилари исломга алоқадор ташкилотлар экани маълум бўлгандан кейин кўплаб америкаликлар ва бошқа Ғарб мамлакатлари фуқароларининг мусулмонларга муносабати салбий томонга ўзгаргани ҳисобга олинса, улардан мусулмонлар кўпроқ зарар кўришди, дейиш мумкин. Бу портлашлар натижасида бир неча минг бегуноҳ одам ҳалок бўлди. Бегуноҳ одамларни ўлдириш жиҳодми?

Ҳалок бўлганлар орасида сўзсиз юзлаб мусулмонлар ҳам бўлган. Юзлаб бегуноҳ мусулмонларни ўлдиришни жиҳод деб бўладими?

Бу "жиҳод"нинг ташкилотчилари ўша маъшум портлашлардан кейин мусулмонларни Америкага қарши жиҳодга сафарбар қилмоқчи бўлдилар. Хўш, Америка мусулмонларга қаршимидики, унга қарши жиҳод эълон қилинса? Америкалик мусулмонлар бошқа барча динлар вакиллари сингари эмин-эркин кун кечирмоқда-ку. Уларнинг тоат-ибодат билан машғул бўлиши ва диний маросимларни бажаришига ҳеч ким халақит бермаяпти-ку ! 11 сентябр воқеаларидан кейин АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Вашингтондаги мусулмонлар диний марказига келгани, ислом одамларни разолатга чақирмаслигига ишонч билдириши, бу ҳақдаги Қуръони Каримнинг оятларидан келтириши исломга эҳтиром белгиси эмасми?

Хайриятки, ҳозирги кунда "жиҳод" деса бошга салла ўраб, қўлга милтиқ олиб раҳнамолар кўрсатган томонга югуриб кетадиган лақмалар унчалик кўп эмас. Дунёдаги ислом мамлакатларининг асосий кўпчилиги ҳам бундай "жиҳод"ни маъқулламади. Аксинча улар "жиҳод" эълон қилган террористик гуруҳларга қарши АҚШ олиб бораётган ва халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланаётган ҳарбий ҳаракатларни қўллаб-қувватладилар. Шу ҳолнинг ўзи ҳам ақидапараст террорчилар эълон қилган жиҳод сиёсий найрангбозликдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади.

Америка ҳарбий кучлари Афғонистондаги террористлар базаларига зарба берганларидан кейин, америкаликлар мусулмонларни бомбардимон қилмоқда, уларга қарши жиҳод эълон қилиш керак, деб қилинган чақириқлар ҳам, аслида найранг. Оғир кунларни бошдан кечираётган мусулмонларга эса ёрдам қўлини чўзиб озиқ-овқат, дори-дармонлар етказиб бермоқда. Бу эса АҚШ афғон халқига душман эмаслигини амалда тасдиқламоқда. Худди шунингдек, ўзбек халқи ҳам афғонларга нисбатан дўстлик туйғусига эга. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Афғонистонга гуманитар ёрдам етказиб беришига кўмаклашмоқда. Жумладан, шундай ёрдамни етказиб бериш учун Термиз портидан, баржалар ва кемалардан фойдаланишга Ўзбекистон ҳукумати рухсат берди.

Халқимизнинг Афғонистондаги воқеаларга ташвиш ва ачиниш билан қараётгани, у ерда тинчлик ўрнатилишидан қувониши минг йилликлар қаъридаги қўшничилик ва қариндошлик билан боғлиқ. Халқларимиз узоқ ўтмишдан буён фақат қўшни бўлмасдан, кўп асрлар давомида бир давлат таркибида яшаганлар. Тўю-азаларимиз ҳам бир эди. Афғонистон ҳудудида ўзбеклар учун муқаддас ҳисобланадиган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари улкан алломаларнинг хоки ётибди.

Ислом шиорларини ниқоб қилиб олиш шу даражада урф бўлдики, фақатгина террористлар эмас, турли сиёсий найрангбозлик билан шуғулланиб юрган тўдалар ҳам ундан фойдаланишга уринмоқдалар. Шу ўринда баъзи сиёсий гуруҳлар томонидан Ўзбекистон исломий ҳаракати, Ўзбекистон исломий мухолифати номи билан аталаётган тўда тўғрисида бир неча оғиз сўз айтиш жоиз. Бу тўдани исломий мухолифат номи билан аташга уринаётган бўлишса ҳам, аслида унинг қилган ишлари (Наманган, Андижон вилоятларидаги қон тўкишлар, Февраль воқеаларидаги ташкилотчилиги) ҳисобга олинса, уларни исломий ҳаракат эмас, ғайриинсоний ҳаракат дейиш керак. Чунки ислом бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишни кескин қоралайди.

Аслини олганда, ўзини исломий мухолифат, деб атаётган бу тўда аслида исломий ҳам эмас, мухолифат ҳам эмас. Исломий эмаслиги шундаки, юқорида айтганимиздай, Андижонда, Наманганда, Тошкент вилояти ва Сурхондарёда, Тошкентдаги Февраль воқеаларида ўнлаб бегуноҳ одамларнинг (уларнинг кўпчилиги мусулмонлар эди) ўлимига сабабчи жаллодларни исломий деб бўлмайди. Мухолифат деб бўлмаслигига сабаб эса, мухолифатнинг ўз сиёсий, иқтисодий платформаси, маънавий-маърифий дастурлари бўлади. Мазкур тўдада эса буларнинг бирортаси ҳам йўқ. Улар халифалик тузиш керак, деб бақиришдан нарига ўтмаяптилар. Ҳолбуки, халифалик қуришга ҳозирги кунда чақириш Муҳаммад С.А.В.нинг ҳадислларига ҳам зид. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида, халифалик мендан кейин ўттиз йил, дейилган. Пайғамбар С.А.В.нинг башоратлари шунда ҳам тасдиқландики, тўрт чаҳориёрлар пай-ғамбардан кейин роппа-роса ўттиз йил халифалик қилишди. Шундан кейин халифалик парчаланиб кетди. Халифалик тузишга чақираётган тўда лоақал пайғамбарнинг шу ҳадисини ҳам билмайдиган кўринади. Бу тўдани мухолифат, деб эмас, шайка деб, яна ҳам яхшироғи шайтанат, деб аташ ҳақиқатга мос бўлади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб берар экан, Президент Ислом Каримов: "Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор, бинобарин, уларнинг ислом оламига, мусулмон дунёсига ҳеч қандай алоқаси йўқ", — деганда тўла ҳақ эди. Ўзларининг найрангларини диний шиорлар билан ниқоблашга уриниш шайканинг кашфиёти эмас. Қадим замонлардаги ашаддий террорчилар ҳам ўзларининг жирканч башараларини диний ниқоб орқасига яшириш учун уринганлар. Бу муттаҳамларнинг дин ортида ниқобланишга уринишларининг сабаби эса диннинг бундай пасткашликларга йўл беришида эмас, балки юксаклигида. Ҳа, айнан юксаклигида. Чунки тубан одам ўз тубанлигини олижаноб, юксак ғояларда ниқоблашга ҳаракат қилади. Шундай қилса, раият кўз олдида унинг башараси, сиёсатшунослар тили билан айтганда, "имиджи" тозароқ кўринади.

Шўролар даври атеистларининг энг катта "кашфиёт"ларидан бири диннинг "модернизациялашуви ёки шароитга мослашуви"ни кашф қилиш эди. Шу мавзуда ўнлаб, юзлаб атеистлар фан номзоди, фан доктори илмий даражаси олиш учун диссертациялар ёқладилар. Лекин ўша "олим"лардан бирортасининг калласига ахир дин ўзгармайди-ку, деган фикр келмади, мабодо келса ҳам, унвон олиш иштиёқи инсофдан устунлик қилди. Атеистларда шундай бўлиши табиий ҳам эди. Диннинг модернизациялашуви тўғрисидаги фикрни исломга нисбатан қўлласак, унинг куракда турмайдиган уйдирма экани шунда ҳам намоён бўладики, бу диннинг асослари бўлган Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар ўн тўрт аср аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай. Таврот, Инжил, Забур тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Қани модернизация? У йўқ. Динда умуман модернизация йўқ. Унинг арконлари, асослари ўзгармайди. Унда модернизация тўғрисидаги уйдирма қаердан келиб қолди? Гап шундаки, динлар ўзгармайди, одамлар ўзгаради, уларнинг динга ёндашуви, диний ақоидларнинг талқини ўзгаради. Улар бу қоидаларни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар. Турли шайкалар ва террорчиларнинг диндан ниқоб сифатида уринишларига ҳам худди шу нуқтаи назардан қараш керак. Лекин бу уриниш вақтинча самара бериши мумкин. Одамлар барибир уларнинг ҳақиқий қиёфасини билиб оладилар.

Ўзини Ўзбек исломий мухолифати, деб атаётган тўданинг мухолифат эмас, ашаддий террорис-тик гуруҳ эканини халқаро ташкилотлар ва бир қатор ривожланган мамлакатларнинг раҳбарлари, сиёсий арбоблар эътироф этмоқдалар. Масалан, АҚШда бу тўда 1999 йилдан бошлаб халқаро террористик гуруҳлар рўйхатига киритилган. АҚШнинг юқори лавозимли ҳарбий арбобларидан бири Т.Френкс 2001 йил ноябрь ойи иккинчи ярмида Тошкентда ўтказган матбуот анжуманларидан бирида бу тўданинг ашаддий террористик гуруҳ эканини яна бир бор таъкидлади.

Афғонистонда халқаро террористик кучларнинг базалари деярли тугатилиши терроризм билан кураш якунловчи босқичга кирганини англатмайди. АҚШ Президенти Ж.Буш таъкидлаганидек, террорчилар билан ҳақиқий кураш энди бошланди. Бу курашни ғалаба билан якунлаш учун дунёдаги барча халқлар, барча инсонлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

ОЛИМПИАДА — ФИКРЛАШ МАКТАБИ

Tahlil

Ўқувчилардаги қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқаришда умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган олимпиадаларнинг ўрни беқиёс. Олимпиадаларнинг ўтказилиши йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилаётгани, унда кўплаб ўқувчиларнинг қатнашаётгани, муҳими, ўғил-қизларда ўз билимини синовдан ўтказиш иштиёқи кучайиб бораётганлиги қувонарлидир. Бу жараённи, яъни умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадаларини янада такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 19 октябрдаги 69-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 31 октябрдаги 9/5 сонли қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Низом қабул қилинди. Мазкур Низом асосида 2001 йил 28 октябрдан республика Таълим маркази томонидан олимпиадаларни ўтказиш юзасидан методик тавсиялар, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда улар илм масканларига етказилди. Янгилик сифатида шуни айтиш жоизки, олимпиадаларнинг деярли барча босқичлари икки турда ўтказилади.

Хўш, бу борада жойларда қандай ишлар амалга оширилди? Илк синовлар қандай ўтказилди? Низом ва тавсияларга тўла амал қилиндими? Қўйилган вазифаларни ўрганиш мақсадида РТМ ходимлари Тошкент шаҳрининг қатор илм масканларида бўлишиб, олимпиадаларнинг биринчи босқичи ташкил қилиниши, ўтказилиш жараёнларини ўргандилар ва уларга методик ёрдам кўрсатдилар. Натижада Тошкент шаҳридаги 115, 110, 129, 257, 258, 166, 307, 249, 243-мактабларда биринчи босқич олимпиадалари янги таҳрирдаги Низом асосида яхши ташкил этилганлигини таъкидлаган ҳолда мазкур ишлар ҳамма мактабларда бир хил тарзда олиб борилди, деб бўлмайди. Жумладан, 218 (Миробод), 244 (Ҳамза), 71, 49 (М.Улуғбек), 219, 196, 191, 29-(С.Раҳимов) мактабларда олимпиадани ўтказишга доир тайёргарлик ишларида қатор камчиликларга йўл қўйилган. Олимпиада ўтказиладиган хоналарга ўқувчилар рўйхати илова қилинмаган. Баъзи фанлардан тузилган тестлар кўрсатилган тартиб асосида тузилмаган. Масалан, 292 (Бектемир т.) мактабда она тили ва адабиёти фани бўйича тест саволларига жавоблар уч вариантда тузилган. (Аслида жавоблар сони 5 тадан бўлиши керак). Натижалари тўлақонли чиқарилмаган ва режалаштирилмаган. Айнан шу ҳолат 219, 196, 191, 29-(С.Раҳимов т.) мактабларда тест жавоблари 3 ёки 4 тадан тузилган) ҳамда олимпиада материалларининг махфийлиги сақланмаган.

Мирзо Улуғбек туманидаги 71-мактабда тарих фанидан 42 та тест саволи, ҳуқуқ фанидан 50 та тест саволи, биология фанидан 50 та тест саволлари берилган. Худди шу ҳолатни 241 (М.Улуғбек) мактабида математика, немис тили, физика фанларидан кўриш мумкин. Она тили ва адабиёт фанидан 15 та эркин мавзу ўрнига 3 та эркин мавзу тайёрланган. Ваҳоланки, РТМ методик тавсия ва баҳолаш мезонларида кўрсатилганидек, 15 та эркин мавзудан 3 та эркин мавзу қуръа ташлаш йўли билан танлаб олиниши керак эди. Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабда ўтказилган олимпиадада IX, XI синф математика, физика фанларидан 25 та тест ва 5 та масала, IX синф немис тили фанидан 50 тадан иборат тест саволлари тузилган ва бир турда ўтказилган. Демак, бу олимпиадалар, афсуски эски Низом асосида ўтказилганлиги аён бўлиб қолмоқда.

Дарвоқе, Бектемир туманидаги 292, 289-мактаблардаги аҳволни ҳам яхши деб бўлмайди. Бу ерда тест саволлари бир нусхада тайёрланган бўлиб, у ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилиб, ўқувчилар эса қоғозларда тест саволларининг жавобларини белгилаётганлиги кузатилди. Аксарият мактабларда 138, 163, 178 (Чилонзор т.), 49, 71, 241 (М.Улуғбек т.), 196, 29, 219 (С.Раҳимов т.), 244 (Ҳамза т.) эса олимпиаданинг биринчи босқичи компьютерларда ўтказилмаган...

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жойларда ўтказилган олимпиадаларда икки хил манзара намоён бўлмоқда. Чунончи, илғор мактабларда истеъдодли ва қобилиятли ёшлар танловига жиддий ёндашилган. Аммо айрим жойларда эса I босқич олимпиадаларига етарли эътибор берилмаган. Ваҳоланки, I босқич мактаб олимпиадалари барча беллашувларга асос бўлиб хизмат қилади.

Олимпиада— фикрлаш мактаби. Шундай экан, барча-барча муаллиму раҳбарлар бу муҳим тадбирга масъулият ҳисси билан ёндашмоқликлари лозим.

Ўғилой ЮСУПОВА,
РТМ бош методисти

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида таълим муассасаларини капитал таъмирлашга атиги 7 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағ 6 та мактабга бўлиб берилган. Натижада тумандаги бирорта мактаб куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрланмаган...

Dolzarb mavzu

ҲОКИМЛИКЛАР ЭЪТИБОРИ ЗАРУР

Қишнинг аёзли кунлари тобора яқинлашиб келмоқда. Республика мактабларида масъулиятли мавсумга тайёргарлик қай даражада? Иситиш тизимлари таъмирланганми? Кўмир ва ёқилғи маҳсулотлари етарли миқдорда жамғарилганми? Мухбиримиз шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Зокиржон ХОЛМАТОВга мурожаат қилди.

— Аввало, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар 305 та иситиш қозонхоналари, 18173 та иситиш печкалари, 136004 п.м. ички ва 49175 п.м. ташқи иситиш тизимлари, 404585 м² томлар капитал таъмирланди. Бу соҳадаги ишлар деярли юз фоизга бажарилди. Шунингдек, 2827 та таълим муассасалари иситиш тизимлари юқори босим остида тозаланди. Бундан ташқари, 138853 м² синган ойналар алмаштирилди, 209,9 минг тонна кўмир (90,3 фоиз) ва 2113 тонна печ ёқилғилари жамғарилди.

— Амалга оширилган ишларни етарли даражада, деб айтса бўладими?

— Йўқ, албатта. Маҳаллий ҳокимликлар ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини мавсумга тайёрлаш бўйича қонун олдида масъулдирлар. Бироқ улар томонидан амалга оширилган ишлар етарли даражада эмас. Вазирликнинг масъул ходимлари Андижон, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятларидаги айрим таълим муассасаларини жойида ўрганганларида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14, 15-мактаблар кўмир билан тўлиқ таъминланмаган. Мавжуд кўмир сифати жуда паст. Афсусланарлиси, 14-мактабдаги иситиш қозонхонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилмаган. Балиқчи туманидаги болалар техник ижодиёт маркази томи таъмирдан чиқарилмаган, 7-мактаб тўлиқ ишчи ҳолатига келтирилмаган.

Жиззах шаҳридаги 5, 19, 21-мактабларнинг ички иссиқлик тизимини таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган. Жиззах туманидаги 40, 46-мактабларга жамғарилган кўмирнинг 40-50 фоизи кўмир кукунидан иборат. Фориш тумани таълим муассасалари биноларини капитал таъмирлаш учун 16,9 млн. сўм режалаштирилгани ҳолда, туман ҳокимияти томонидан 2001 йилнинг 15 ноябрига қадар 3,8 млн. сўм маблағ ажратилган, холос, бу режанинг 22 фоизини ташкил этади. Тумандаги мавжуд 71 та мактабнинг биронтасида ҳам капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган, ажратилган маблағ 9 та мактабнинг иситиш тизимлари жорий таъмирланишига сарфланган.

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида таълим муассасаларини капитал таъмирлашга атиги 7 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағ 6 та мактабга бўлиб берилган. Натижада тумандаги бирорта мактаб куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрланмаган... Тошкент ва Навоий вилоятларида ҳам шу каби камчиликлар мавжудлиги афсусланарлидир. Жорий йил капитал таъмирлаш режасига республика бўйича 687 та мактаблар, булардан 218 комплекс таъмирлаш, 479 таси танлаб таъмирлаш режалаштирилган. Сирасини айтганда, норматив бўйича эса таълим муассасаларини танлаб таъмирлаш 6 йилда бир марта, тўлиқ таъмирлаш эса 12 йилда бир марта амалга оширилиши лозим. Республикадаги мавжуд 9665 та мактабни комплекс (бино, иситиш, электр тизимлари, томлар) таъмирлаш учун жойлардаги ҳокимиятлар томонидан шу зайлда маблағ ажратилса, 1 та таълим муассасасини комплекс капитал таъмирлаш 44 йилда бир марта амалга оширилади. Ўйлаймизки, мактабга, келажакка, илм равнақига катта эътибор берилаётган бир пайтда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари бу ҳолга йўл қўймайдилар, деб ишонамиз.

— Кўмир ва суюқ ёқилғини жамғариш масаласи кўнгилдагидай кетаяптими?

— Айтиш мумкинки, ҳукумат топшириғига кўра бу йил таълим муассасаларига ажратилаётган кўмирнинг сифати ҳар йилдагига нисбатан бир мунча яхшиланди. Бироқ "Кўмир" ҳиссадорлик жамиятлари томонидан кўмирни ўз вақтида етказиб беришда бир оз камчиликлар бор. Суюқ ёқилғига маблағ ўтказилганига қарамай, бу маҳсулот билан таъминлаш ишлари асоссиз равишда кечикмоқда.

Шу ўринда бир муаммони айтиб ўтишни лозим, деб топаман. Таълим муассасаларини кўмир билан таъминлашда транспорт масаласи ҳалигача ҳал бўлмаган. Масалан, "Кўмир" ҳиссадорлик жамиятлари транспорт харажатларини ҳам шартнома баҳосига киритиб, кўмирни таълим муассасаларига етказиб бериш мажбуриятларини олишлари керак. Чунки таълим муассасаларининг кўмирни ташиб олиш имкониятлари деярли йўқ даражада.

— Кўмир билан исийдиган катта қозонхоналар ўрнига ихчам қозонлар ўрнатса бўлмайдими?

— Бўлади. Сирдарё вилоятида жойлардаги ҳокимликлар ёрдамида таълим муассасаларини иссиқлик билан таъминлаб келган катта ҳажмдаги қозонхоналар ҳамда кўмир билан иситиб келинган печкалар ва қозонхоналар ўрнига кичик ҳажмдаги АГВ русумли газ билан исийдиган ихчам қозонлар ўрнатилган. Мирзаобод ва Сирдарё туманларидаги мактаблар асосан шу тизимга ўтказилган. Мутахассислар бу усул билан давлатнинг катта ҳажмдаги маблағи иқтисод қилинишини қайд этишаётир.

— Таълим муассасалари биноларини куз-қиш мавсумига тайёрлашда яна қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?

— Фикримизча, мактаблар жамоалари ҳам бир қатор ишларни амалга оширишлари зарур. Жумладан, дераза ойналари тирқишларини беркитиш, илм маскани ҳудудидаги иссиқлик етказиб берадиган қувурларни ўраш, синган ойналарни алмаштириш ишларини маҳалла фаоллари билан биргаликда амалга ошириш мумкин. Оталиқ ташкилотлари ҳам ички иссиқлик тизимининг ишлаши, босим остида синаб кўрилиши ва синган ойналарни алмаштирилиши бўйича беғараз ёрдам кўрсатмоқликлари лозим. Қувонарлиси, мактабларга беғараз ёрдам кўрсатаётган, илм равнақи — эл равнақи эканлигини англаётган юртдошларимиз сафи кенгайиб бораяпти. Улар тўғрисида кейинчалик бафуржа тўхталармиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди

УЛАР ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Maxsus maktab-internatlarda

Куни кеча Тошкент шаҳридаги 101-махсус мактаб-интернатнинг 80 йиллик тантанаси ўтказилди. Мазкур даргоҳ ўтмишига қисқача назар ташласак, унинг ташкил топишига қарийб бир аср муқаддам Тошкентга келган австралиялик шифокор Хорват сабабчи бўлганди. Дастлаб у 18 нафар кўнгли ярим болажонни тўплаб таҳсил бера бошлади. Сўнгра 1919 йилнинг 19 декабрида эса Тошкент ногиронлар мактаби тузилди.

Секин-аста йиллар ўтгач даргоҳдаги шароитлар яхшилана борди ҳамда уруш йилларида ўқувчилар сони 400 нафарга етди. Сўнгра вилоятларда ҳам бундай ўқув масканлари ташкил этила бошланди.

Юртимиз истиқлолга эришгач эса, бу борада янада туб ўзгаришлар юз берди. Инсон қадрланиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари барча нарсадан устун турадиган демократик давлат қурилаётган бир пайтда, жорий йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб аталиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу эса ўз навбатида бошқалар каби ногирон болаларнинг ҳам ҳаётда ғамхўр инсонлар борлигига ишончларини, Ватанга бўлган муҳаббатларини янада оширди.

Ўша кунги байрам тадбирида ҳам тарбияланувчилар ўз шодҳуррамликларини турли хил рақсларни ижро этиш билан ифодаладилар. Кечани кириш сўзи билан очган интернат раҳбари М.Султонова, мактаб жамоаси ҳукуматимиз томонидан ўзларига алоҳида эътибор берилаётганлигидан мамнун эканликларини маълум қилди. Бугун эса замонавий компьютерлар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналарда ўқиб, ҳатто инглиз тили сабоғини ҳам олиб, шинам ётоқхоналарда яшаётган болаларнинг вақти келиб бевосита жамиятга қўшилиб кетишларига ҳозирданоқ замин яратилмоқда. Шунингдек, улар халқаро хабарлардан ҳам воқиф этиб борилаяптилар.

Бундан ташқари, машғулотлардан сўнг йўлга қўйилган қизлар учун пазандачилик, тикувчилик, болалар учун эса дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа тўгараклар мактабни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўйганларида уларга асқотиши шубҳасиздир. Ҳар бир тарбияланувчининг қизиқишига қараб бўш вақтни фойдали ўтказиш режаси ишлаб чиқилгани эса мақсадга мувофиқ. Шу сабаб эртага мактабни битираётганларида таянч маълумотига эга бўлиш билан биргаликда, улар бирор касб ёки ҳунар соҳиби ҳам бўлиб чиқадилар.

Энг эътиборлиси 1997 йил мактаб рақс жамоасининг Голландияга бориши, ўтган ёз фаслида бир гуруҳ ўқувчиларнинг Америкадаги халқаро ногиронлар оромгоҳида дам олиб қайтишлари, улар жамиятда ўз ўринларига эга эканликларининг, қаровсиз қолмасликларининг ёрқин далилидир. Спорт борасида эса футбол бўйича Таиландда ўтказилган мусобақаларда бронза медалини қўлга киритишлари болаларнинг ҳам руҳан ҳам жисмонан бақувват эканликларидан далолат.

Айни вақтда мамлакатимиздаги АҚШ, Британия, Исроил, Япония, Туркия, Голландия, Австрия ва бошқа хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда ноҳукумат ташкилотлар билан яқиндан алоқалар ўрнатилган. Шу кун байрам тадбирида элчихоналар ва дипломатик корпус вакиллари, жумладан, Бельгиянинг Ўзбекистондаги бош консули Жан Клод Божан, Америка Қўшма Штатлари элчисининг рафиқаси Надежда Хёрбст, Буюк Британия элчисининг турмуш ўртоғи Жаклин Ингам ва Латвия элчисининг рафиқаси Тамара Пуга хонимлар иштирок этишиб, болажонларнинг хурсандчиликларига шерик бўлдилар. "Соғлом авлод" жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова тарбияланувчиларга эсдалик совғалари улашган бўлса, Республика Божхона қўмитаси 1 миллион сўм миқдорида ёрдам пули берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидованинг айтишича, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик вақти келиб юртимиз равнақи учун хизмат қилади. 3 декабр — халқаро ногиронлар куни эса Республикамизда ўзига хос тарзда нишонланади.

Ваҳоланки, бугун қўшни Афғонистонда бошқарувнинг издан чиққанлиги туфайли нафақат ногирон болалар, балки соғлом фарзандлар ҳатто, ўн минглаб оддий фуқароларнинг оч-яланғоч турмуш кечираётганликлари аянчли ҳол. Шунингдек, ҳозир Ливия, Жазоир ва бошқа бир қатор Африка мамлакатларида болалар ўлими жиддий тус олаётган бир давр. Зеро, шундай экан, давлатимизнинг айни сиёсати доирасида ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаётганлигини тўғри англаб етишимиз лозим. Шу ўринда, "бирни кўриб шукур қил, мингни кўриб фикр қил" деган ҳикматли гапнинг туб маъносини тушуниб олишимизнинг ўзи кифоя.

Камолиддин АЛИОХУНОВ, "Маърифат" мухбири

Mehmonxona

Пўлат МЎМИН:

«МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ КЎЗИНГИЗДАН, УСТОЗЛАР»...

"Юрсам дейман бу табаррук изингиздан, устозлар" дея муаллимни улуғлаб ғазаллар битган, "эртамиз, эркамиз" бўлмиш болажонларнинг севимли шоири, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминнинг "Маърифат" меҳмонхонасига ташрифидан, 80 ёшни қаршилаётган, аммо тетик, бардам, ҳамон ижод билан машғул бобомизнинг суҳбатидан мамнун бўлдик. "Сайранг, қушлар", "Тиш чўткаси эртаги", "Ҳунардан унар", "Тўғри ўсган гул бўлар", "Олтин най", "Одоб ва офтоб", "66 олтин қўл", "Эртадан эртакка", "Яхши бўлди мақташгани" каби 20 дан ортиқ шеърий тўпламлари билан болалар оламига кириб борган шоиримизнинг айрим мулоҳазалари, устозлари ҳақидаги хотираларини сизларга ҳам илиндик.

— Бошланғич синфда болажонлар шеърларингизни кўп ўқийдилар, ёд айтадилару, сизнинг болалик, ўқувчилик даврингиз ҳақида деярли билмайдилар. Сабоқ олган мактабингиз, устозларингиз ҳақида эслай оласизми?

— Болалигимдан китобни яхши кўрганман. Далада сигир боқиб юрганимда ҳам қўлимда китоб бўларди. Унга шунчалар қизиқиб кетганимда сигирим бошқа молларга қўшилиб қолганини билмаган пайтларим кўп бўлган. Ойим раҳматли танча атрофида "Алла ва Жалла" эртагини айтиб берардилар. Тошкент шаҳрида Тахтапулдаги 22-мактабда ўқиганман. Бир опа бўлардилар, меҳр билан алифбони ўргатганлар. Доим кўз ўнгимда турадилару исмларини эслолмайман. Лекин биринчи ўқитувчим ўша опа, адабиёт муаллимим Абдулла Содиқов, ижод сирларини ўргатган Мақсуд Шайхзода, Қуддус Муҳаммадий кабиларни кўнглим тўрида сақлайман:

"Алифбени ўргатганим",
Билимга йўл кўрсатганим,
Мудом борсиз, кўз ўнгимда
Офтобимсиз ўз кўнглимда.
Асло сўнмас ихлосларим,
Устозларим-устозларим.
Отам-онам қаторисиз,
Жўшқин қалбим виқорисиз,
Ўгитингиз энг муқаддас,
Ҳалолликдан бердингиз дарс.
Сиздан эрур парвозларим.
Устозларим-устозларим.

— Болалар шоирининг ўзига хос фазилати борми? Нега кўп шоирлар болалар учун кам ёзишади?

— Аввало, болалар шоири ва ёш шоирни ажрата билиш керак. Бир вилоятга учрашувга борганимда раҳбар ходим "Қачон катталарга ёзасиз, катта шоир бўлмадингизми?" деб сўради. Ёш шоир катталар учун ҳам ёзаверади-ку, аммо болалар шоири катталар шоири бўлолмайди. Болалар шоирининг ўзига хос фазилати шуки у болаларча ўйлаши, болаларнинг ёнида кўп бўлиши, уларни севиши керак. Бир хонадонга борилса, ёш қизча чиқиб қолса ҳам унга катталардек муомала қилиниб, "Фалончи борми?" деб сўралади. Шоир эса қизчага қараб жиндак энгашади, исмини сўрайди, кейин меҳр билан излаб келган одамини сўрайди. Болаларни алдаб бўлмайди, улар орасида юрмай рост шеър ҳам ёзиб бўлмайди. Қолаверса, болалар шоирига эътибор камдай. Шу боис барча шоирлар ҳам кичиклар учун ёзавермайдилар.

— Болалар адабиётини бойитишда раҳматли Қуддус Муҳаммадий, Зафар Диёр, Илёс Муслим, Қудрат Ҳикмат, Сафар Барноевларнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозирги кунда бу адабиётни юқори поғонага олиб чиқоладиган ижодкорлар етарли, деб ўйлайсизми?

— Рауф Толипов деган яхши бир шогирдим бор. Ундан умидим катта. Вилоятларда ҳам болалар ижодкори кўп. Турсунбой Адашбоев, Умида Абдуазимова, Кавсар Турдиева, Дилшод Ражаб, Абдураҳмон Акбар, Султон Жаббор, Қутби Носирова ва драматург Неъмат Рўзимуҳамидовларнинг болажонлар учун ёзган китоблари, ижодидан кўнглим тўқ. Демак, улар болалар адабиётига салмоқли ҳисса қўша оладилар.

хизматида. Бир этак набираларим, эвараларим бор. Бари одобли. Болага вақтида ширин сўз, вақтида қаттиққўллик ҳам даркор. Аввало бола ўзига яхши дўст топиши муҳим "Мақташгани яхши бўлди" шеъримда ёмон болани фақат бувиси яхши гапириб тузатади. "Ҳадеб мени тергашади" шеъримни бола тилидан ёзганман. Ҳадеб болани тергаш уни даққи қилиб қўяди. Тарбияда ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани маъқул.

—Албатта, бу фикрингиздан устозлар ҳам ўзларига хулоса чиқариб оладилар. Келинг, қўшиққа айланган шеърларингиз ҳақида суҳбатлашайлик. "Индамади", "Онадур, ул онадур", "Эй, муҳаббат", "Сенга бир гап айтаман", "Сўрамасдан сўратибсиз", "Одоб ва ибо" каби ғазалларингиз қандай қилиб қўшиққа айланди?

— Дастлаб шеърларим қўшиққа айланади, деб мўлжаллаб ёзмаганман. Бастакор Имомжон Икромов "Индамади" ғазалингизга куй ёзяпман, яхши қўшиқ бўлиши мумкин, аммо нега индамагани сабаби ёзилмаган, якунлаб беринг, деган. Ўйлайўйлай шундай якун топганман:

"Кўнглида бошқа бирор,
севган вафодори яшар,
Шул сабаб барча сўзим келди малол индамади"

Бастакор буни ўқиб "Индабсиз яхши бўлибди" деб куй басталади ва Неъматжон Қулабдуллаев маромига етказиб ижро этди. Санъаткор тушуниб ижро этиши керак. "Онадур, ул онадур" ҳам катта шеър эди, қўшиқ бўлади деб ўйламагандим. Хайрулла Лутфуллаев буни ажойиб қўшиққа айлантирди. "Сенга бир гап айтаман" шеъримга Сайфи Жалил куй басталади, Ҳалима Носирова ижро этди. Фахриддин Умаровнинг "Эй, муҳаббат" қўшиғини барча қатори ўзим ҳам мириқиб тинглайман.

Кўпгина ғазалларимга Орифхон Ҳотамов куй басталаган. Насиба Сатторова "Олсин майли шифосига" ғазалимни гўзал қўшиққа айлантирди. Фақат "Кимки қилмас маҳлиё одоб, ибо" ғазалимни махсус Маҳбуба Ҳасанова ва Матлуба Дадабоева учун ёзганман. Уларнинг одоб ила қўшиқ куйлашлари менга ёққан эди. Баъзи хонандалар бирор шеър ёзиб беринг, деб илтимос қилишади. Уларга айтаман: бу шеърни мен ёзганим йўқ, бу шеър сизники, ўзингиз ёзгандек дилдан чиқариб ижро этинг. Аввал ўзингиз мазза қилинг, кейин бошқалар мазза қилади.

— Айтмоқчисизки, санъаткор шеърни, унинг мазмунини яхши тушунса, ўзгаларга етказиб бера олади. Негадир, ёшларимиз енгил-елпи қўшиқларга, сўзларига тушунмасаларда "ажнабий" куйларга мафтун.

— Ёшларга қарши бир нарса дея олмайман. Аммо мумтоз мусиқа қўшиқларимиздан ҳам фойдаланишларини истайман. Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторовалари эшитсин. Мана, Гулбаҳор Эрқулова "Мени кўнглим сўрамасдан ўзгалардан сўратибсиз" ғазалимни эстрада йўналишида айтибди. Мен болаларимиз ҳам қўшиқ айтишларини — ўз халқининг қўшиқларини айтишларини истайман. "Қўшиқ айтган етар муродга", деб Ҳамид Олимжон бежиз ёзмаган. Эстония, Латвия, Болтиқ бўйи аҳолиси фақат ўз қўшиқларини айтади. Болажонларимиз ҳам қўшиқ айтсинлар, чунки қўшиқсевар одамлардан ёмонлик чиқмайди.

— 1993 йилда фардлар китобингиз эълон қилинди. Мумтоз адабиёт жанри бўлмиш фардга мурожаат этишингизга сабаб борми?

— Бесабаб ҳодиса бўлмайди. Тожик ўртоғим бир китоб совға қилган эди. Унда қитъа ва фардлар жамланган экан. Шу китобни ҳамда Рудакий, Навоий фард, қитъаларини мутолаа қилиш натижасида аввал "Гул ва пиёз" деб номланган қитъалар китобини ёздим. Қитъа — бу ғазалдан олинган парча, бўлак, деган маънода экан. Устоз Миртемир Навоий ижодини катта хазинага тенглаб, ундан ўрганиш керак, дердилар. Ҳазрат Алишер Навоий 18 жанрда ижод қилган эканлар. Кейинроқ халқ мақолларидан фойдаланиб фардлар ёздим. Фард икки йўлдан иборат, тожикча маъноси "Битта" дегани экан. Демак, икки мисрада тугал фикр бера олиш керак.

— Намуналар айтиб бersangиз?

— Одам нафсини тийиши, таомни шошиб емаслик кераклигини билади, болалар эса буни баъзан унутиб қўяди. Болажонларга атаб шу фардни ёздим:

Бўлсаям текин,
Кўп чайнаб егин.

ёки:

Агар бўлсанг мард,
Қўлинг тўймай арт.

Беш бўғинли бу фардларни ўн йилда ёзганман. Кўзингиз тушган бўлса, 4-синф дарслигида "Ибн шифо ўгитлари" деб номланган фардларим "Ибн Сино ўгитлари" деб нотўғри берилибди. "Тонг юлдузи" газетасидаги каби "Ибн шифо ўгитлари" тарзида берилгани тўғри. Ҳозир яна бир фардлар китобини тайёрлаб, "Ибн Сино" нашриётига топширганман. Унда фақат болалар учун эмас, катталар учун ҳам фардлар битилган.

— Бу китобингизни кутиб қоламиз. Мухлисларингиз, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган гапларингиз бордек назаримда.

— Болаларга муаллимлари ифодали ўқишни, она тилини, қофияни ўргатсинлар. Эътибор берган бўлсангиз, шеърларимнинг сарлавҳасида ҳам қофия бор. Қофия эсда қолишга, хотирани чархлашга ёрдам берадиган восита. Шеърни бола тушуниб ўқисин, урғуга эътибор берсин. Урғу бузилса, ўз-ўрнига қўйиб ўқилмаса, маъно бузилади. Фарзандларимиз кўпроқ шеър ёдласинлар. Она тилини улуғласинлар.

— Бу ҳақда гўзал шеърингиз ҳам бор экан-а?

Ҳар сўзингда олам маъно,
Бўларвергин равон, бурро.
Бамисоли тилда болим —
Она тилим — она тилим.
Жуда қадим шарқонасан,
Асли зоти турконасан,
Ҳикматларинг ёдлар ақлим
Она тилим — она тилим.

— Суҳбатингиз сўнгида "Маърифат" муштарийлари — устозларга тилакларингизни билдирсангиз?

— Газетани адади кўплигидан қувондим. Устозларни ҳурмат қилиш — катта савобли иш. Уларни эъзозлаб кўп шеърлар ёзганман. Санобар Раҳмонова ижросидаги "Меҳр нури ёғар доим" деб бошланувчи ғазалимда ҳам ниятларимни айтганман. Илму таълим бераётган, сўз гулларин тераётган жонкуяр устозларга шогирдлари камолини кўриш бахтини, Аллоҳдан соғ-саломат бўлишларини тилайман:

Сизга таъзим қилгайман,
Сиҳат-соғлиқ тилайман.
Отамдайин улуғсиз,
Онамдайин улуғсиз,
Ҳурматларим, эъзозим
Сизга-сизга устозим.

Ўрни келганда айтиб ўтай, ўқитувчи "учитель" сўзидан айнан таржима. Бу сўз ўрнида "Муаллим" сўзини ишлатсак, чунки ўқитувчи ўқитса, муаллим ҳам тарбиялайди, ҳам ўргатади, ҳам ўзи барчага намуна бўлади.

— Бу ҳақда албатта муаллимларимиз ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз. Сермазмун суҳбатингиз учун эса ўқувчиларимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Суҳбатдош:
Маҳмуда ВАЛИЕВА

Бундан 70 йиллар бурун қиз-жувонлар Машраб ғазалларини шойи белбоғлар четига кашта қилганлар.

БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ ДУНЁ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Болалар жамғармаси ҳамкорлигида республика Ўқувчилар саройида "Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси"нинг 12 йиллигига бағишлаб, "Замонавий дунё болалар нигоҳида" мавзуида ёш ижодкорлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Бунда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан 100 нафарга яқин болалар қатнашди.

Икки кун давом этган бу тадбирда пойтахтимизнинг гўзал гўшаларига — Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони ва Шаҳидлар хиёбонига саёҳат уюштирилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг аъзолари ва таниқли мусаввирлар билан ижодий учрашув ўтказилди.

Конвенциядан келиб чиққан ҳолда республикамизда тузилган "Альянс" аъзолари ўртасида йиллик ҳисобот тингланиб, давра суҳбати бўлди. Шундан сўнг кўргазманинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади тасвирий санъат асарлари орқали болаларни гўзалликни ҳис қилиш, Ватанни севиш, миллат бирлиги ва унинг равнақи мафкурасига садоқатли бўлишга одатлантиришдир. Шундагина боланинг замон ҳақидаги тасаввури, уруш ва

Ko'rgazma

тинчлик, экология муаммоларига шахсий муносабат шаклланади. Шунинг учун ҳам танлов иштирокчиларига ҳаёт ва маданиятни барбод қилувчи можаролар олдини олиш ва бартараф этиш, тинчлик, тараққиёт ва маданиятни асраш, давлат ва халқ бирлигига ҳамда равнақига ғов бўладиган барча оқим, ғоя ва қарашларга нисбатан бешафқат бўлиш, ҳозирги замон техника тараққиётини кўрсата олиш каби шартлар қўйилди.

Тадбир давомида бир нечта иштирокчилар ва раҳбарлар билан суҳбатлашдик.

— Мен Жиззах вилоятидан келиб қатнашаяпман. Энг асосийси, бу ерда тенгдошларимнинг ижодини кўриб, улар билан фикрлашиб, ўзимдаги камчиликларни қиёслаган ҳолда билиб олдим. Мен ўз асаримда бутун дунёга хавф солаётган терроризм оқибатларини гавдалантирдим. Бу асарни бутун тенгдошларимга огоҳ бўлинг, деган мақсадда яратдим, — дейди Шаҳноза Бекмуродова.

Биз кўргазмани бевосита кўздан кечирар эканмиз, сурхондарёликларни ҳам суҳбатга тортдик. Бу расмни қачон яратгансиз, деб берган саволимизга софдил бир қизча, поездда келаётганимизда, деб жавоб берди. Бундай самимий жавобдан хурсанд бўлдик. Лекин ростгўйлик замирида анча нарсаларни уқиб ҳам олиш мумкин. Масалан, бу вилоят масъуллари кўргазмага "бордингми-бординг" қабилида иш тутганига мисол эмасмикан?

Камчиликлар ҳам учраб туриши, табиий. Бироқ бу ҳолларни бартараф этиш лозим. Хуллас, шу куни ғолиблар аниқланиб, улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

АДАБИЁТ УФҚЛАРИДА ТУҒИЛГАН ИШҚ, ҚУЁШИ

МАШРАБ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН АНЖУМАН ДАРС НАМУНАСИ

Ватанимиз тарихида туб бурилиш ясаган истиқлол барча миллий қадриятларимиз қатори мумтоз адабиётимиз вакилларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини холис таҳлил қилиш, уларнинг асарлари устида эркин фикрлаш, чуқур ўрганиш йўлларини очиб берди.

Умумтаълим мактабларида масаланинг шу жиҳатига эътибор бериш, ўқувчиларда маънавий меросимиз бўлмиш мумтоз адабиёт дурдоналарини ўқишга ҳавас уйғотиш бугунги таълимда муҳим аҳа-мият касб этмоқда.

Маълумки, мумтоз шеъриятни тушуниш, таҳлил қилиш унинг замиридаги ранг-баранг маъноларни англаш ўқувчидан ҳам, ўқитувчидан ҳам жиддий меҳнат, билим ва иқтидорни талаб қилади.

Ангрен шаҳар 29-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зарифа Шокирхонованинг бу борада олиб бораётган ишлари ибратлидир.

Республика нафис санъат лицейидаги илғор ўқитувчилар ўз фаолиятларида ўқитувчиларни мумтоз асарларни ўқиб-ўрганишга қизиқтиришнинг турли усулларини қўлламоқдалар. Биз қуйида ана шундай изланишлардан бирини ўз тажрибамиз мисолида ҳавола этамиз.

Машғулот мавзуси:

«Боборахим Машраб руҳини шод этамиз» (анжуман-дарс).

Машғулот мақсади:

а) ўқувчиларни шоир ижоди билан яқиндан таништириш;

б) Машраб ғазалларининг маъносини англашга, таҳлил қилишга ўргатиш;

в) Машраб ижоди мисолида ўқувчиларни ўтмиш маънавий меросни ўрганишга қизиқтириш.

Кўргазмалилик:

«Адабиёт уфқларида туғилган ишқ қуёши» номли Боборахим Машраб ҳаёти ва фаолиятига оид кўргазма.

Ҳикматли сўзлар:

Ўтмишни билмаган кишига билим тангриси табассум ҳадя қилмайди.
Бхартхари.

Мустақил ижод қилмоқ ақлинг каломи,
Ижод қилмоқдан ҳеч бўлма холи.
Кайковус.

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,
Яна оширмоққа айлагил шиддат.
Мирзо Улуғбек.

Машраб ғазалларидан намуналар, мусиқа.

1. Ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Машраб яшаган давр ҳақида ўқувчи маърузаси.
3. Машраб ва тасаввуф.
4. Ғазаллар шарҳи.
5. Хулоса.

Ўқитувчининг кириш сўзи: Ўзбек ва туркийзабон халқлар адабиётида ўзининг оташнафас халқчил шеърлари билан кенг шуҳрат топган ўзбек мумтоз адабиётининг улуғ намояндаларидан бири Боборахим Машрабдир.

Бундан 70 йиллар бурун қиз-жувонлар Машраб ғазалларини шойи белбоғлар четига кашта қилганлар. Устоз Ойбекнинг «Болалик» асарида дўппи тикиб ўтирган аёллар отин ойига қараб, сабоқ чиқараётган қизгинага духоба жилдли девонидан Машраб ғазалларини ўқитиб, юм-юм йиғлаганларини эсланг. Ёш болалар домла бошчилигида лола сайлига чиққанларида Машрабнинг ўйноқи, дилбар ғазалларини суралардек ўқийдилар.

Машраб яшаб ижод этган давр ҳақида маълумотдан олдин, унинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи ғазални тингласак.

МАШРАБМЕН

Санамнинг ишқида тинмай юриб,
оввора Машрабмен.
Кўзи ёшлиғ, қадди хамлиғ,
дили садпора Машрабмен.
Кўнглида заррача дунёни меҳри
бўлмайин менда,
Сени деб икки оламдан кечиб,
бечора Машрабмен...

Боборахим Машраб ҳаётига оид маъруза ўқувчи томонидан ўқилади:

Намангандаги Муллавали Бўзчи ва Биби Салималар оиласида ўғил фарзанд дунёга келди. Унга Боборахим деб ном берилди. Боборахим Муллавали ўғли тенгдошлари қатори мактабга қатнаб илоҳиёт ва ҳаёт дарсларини олди. Унинг қалбини дунё гўзаллиги, бу гўзаллик ижодкори бўлмиш Аллоҳ мафтун қилди. У яшаган давр Мовароуннаҳрда иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада, халқ ҳаётида бирмунча тушкунлик рўй берган вазиятга тўғри келади. Тенгсизлик, жамиятдаги разолат, адолатсизликлар кенг томир ёйган давр, табиийки, омманинг норозилигига сабаб бўлади. Бундай ҳолат баъзан таркидунёчилик, дунёдан этак силкиб, унинг лаззат ва фароғатларидан воз кечиб яшашга мажбур этади. Боборахим Машраб ижоди ва унинг қарашларида шу жамиятнинг анчайин мураккаб ва зиддиятли кўриниши ўз аксини топади.

Шу ўринда бироз мусиқали танаффус қилинади.

Ўқитувчи: Боборахим дилини банд қилган тасаввуф ҳақида сизнинг тушунчаларингиз?

1-ўқувчи: Тасаввуфни содда баён қиладиган бўлсак, худо ўз жамолини ер юзига сочган, деб англаш керак бўлади. Ҳар бир чечак, япроқ, шарқираган сойлар, оёқ остидаги тупроқ, қўйинг-чи, ўзимиз ва атрофимиздаги нарсалар яратганнинг зарраларидир. Уларнинг бутунлиги тангри жамолидир. Тасаввуфнинг ҳақпарастлик тариқати эса худо осмонда ҳам, ерда ҳам эмас, инсон қалбидадир, деган ақидага таянган.

2-ўқувчи: Тасаввуф маслаги узоқ тарихда бир неча асрлар мобайнида адабиёт ва фалсафада жуда катта ўрин эгаллаган маслакдир. Бу маслакнинг илдизи ҳатто Ислом дини майдонга келмаган даврдан бошланади. Кейинчалик, Ислом дини Шарқ мамлакатларига тарқалгач, у янада ривожланади, маълум тартибот шаклини олиб, бир қанча шаҳобчаларга эга бўлган фалсафий оқимга айланади.

3-ўқувчи: Боборахим Машраб ҳам Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган тасаввуф—диний-фалсафий оқимнинг йирик вакили эди. Моддий ва фоний дунёни бирдай тушуниш, дунёни англаб етмоқ, шу асосда ижод ва маслак юритиш тасаввуф намояндалари қарашларининг мазмунини ташкил этибгина қолмай, балки халқ оммасини ёруғликка элтувчи йўл ҳам эди. Боборахим Машраб тасаввуфдаги тўрт амалдан бири—қаландария тариқатига амал қилди. Қаландарлар ўз дунёқарашларини кенг халқ оммасига ҳеч иккиланмай ва таҳликасиз ҳукмрон синф табақалари орасига ёя олар эдилар.

Ўқитувчи: ўқувчилар келинглар, Машраб ғазалларини шарҳлашга, таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Ўқувчи ифодали ўқийди:

Намангандин кетар бўлсам,
мени йўқлар киши борму?
Ғариблик шаҳрида ўлсам,
мени йўқлар киши борму?
Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзимдан оқизиб ёшим,
мени йўқлар киши борму?

«Дард кўп, ҳамдард йўқ, душман кўп, толе забун» деган шоир дунёни дарбадар кезди. У фалакнинг берган қисматидан нолийди, ошёни йўқлигидан нола чекади. Бунинг устига ота-онаси, дилини тушунувчи ёру биродарлари йўқлиги шоир қалбини эзади.

Ўқувчи: Қалби изтиробли шоир қаерда бўлмасин ўз фикри ва эътиқодидан бир зум бўлса-да қайтмайди. Ватан соғинчи ва она юрт тупроғи, ундан келган ҳар бир хабар шоир кўнглини кўтарди. Юртни кўмсаш ва дарбадарона ҳаёт ҳам юксак эътиқодларга хизмат қилади. Ватан туйғуси Машрабга малҳам ва қувват бағишлайди:

Bir soatlik dars

Наманган шаҳридан дўстлар,
мени ёронларим келди.
Ота бирлан онамни билгувчи меҳмонларим келди.
Шижоат бобида ҳар қайси бир Рустаму Суҳробдир,
Адолат тахтига минган бир кун султонларим келди...

Ўқитувчи: Узоқ йилдирки, собиқ тузум даврида улуғ шоир ижоди етарли ўрганилмади, асарлари бузиб талқин этилди.

60-йилларнинг бошида бир гуруҳ ўзбек олимлари Машраб ижодига қўл уриб, унинг очилмаган сеҳри-қирраларини кашф қилишга эришдилар. Сочилиб ётган шеърлари анчайин меҳнат эвазига китоб ҳолига келтирилди, 1963 йили адабиётшунос олим, профессор А.Абдуғаффоров ўзбек тилида кичикроқ ҳажмдаги бир шеърий девонини тузди ва кенг китобхонларни Машраб ижодидан баҳраманд этди.

Яна бир адабиётшунос олим В.Раҳмонов эса Машраб ижоди юзасидан самарали тадқиқот ишлари олиб борди. Изланишлардан сўнг, Машрабнинг шеърий девони 1980 йилда 3 марта китобхонлар ҳукмига ҳавола этди.

Шоирнинг деярли ҳамма ғазаллари қўшиқ бўлиб инсон қалбининг таржимонига айланган. Унинг содда ва равон тилда ёзилган шеърлари қўшиққа айланганда, тингловчининг кўнгил уйини, қалбини ларзага келтиради.

Ўқувчилар Машраб қаламига мансуб «Фарёд этарман» қўшиғини ижро этадилар.

Машғулотни ўқитувчи ўз хулосалари билан якунлайди:

Дунёда эзгулик, поклик ҳеч қачон ўлмайди. Шунингдек, Машраб ҳам мангу барҳаёт сиймодир. Унинг асарлари, баркамол ғазаллари асрлар оша инсонлар қалбини, вужудини чулғаб олганлиги бежиз эмас.

Бугунги машғулотимизда Машраб ижодининг бир томчисини ўрганишга, биз авлодлар учун айтмоқчи бўлган дард-аламларини тушунишга ҳаракат қилган бўлсак, эҳтимол унинг руҳи-поки олдидаги бурчимиз оз бўлса-да адо этилган бўлур эди.

Ўқитувчи машғулотни М.Тоировнинг «Машраб» шеъри билан якунлайди:

Орни осиб узилмаган дорлар-а,
Зорни осиб узилмаган дорлар-а.
Шоҳ Машраб-ей, Туронини бўзлатиб,
Уч асрким дор остида зорлар-а.

Оҳлар уриб у оҳига сиғмайди,
Бу дунёнинг даргоҳига сиғмайди.
Сўзни осар муртадлари бор учун,
Йиғлайди-ей, Оллоҳига йиғлайди.

Шоҳлар асли бир сирдан огоҳ эди,
Ул девона сўз мулкига шоҳ эди.
Девонасин сиғдирмаган бу юртда,
Тахт эгаси шоҳ эмас, гумроҳ эди.

Наманганнинг осмонида ой йиғлар,
Не замонким, гадой йиғлар, бой йиғлар.
Машраб оҳи қулоғига етганму,
Кўкда куйиб ҳаттоки ҳумой йиғлар.

Орни осиб узилмаган дорлар-а,
Зорни осиб узилмаган дорлар-а.
Машраб кетди, Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам,
Энди кимни қошларига чорлар-а,
Орни осиб узилмаган дорлар-а.

Доно УСМОНОВА,
Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

KONSTITUTSIYA MATNLARI ASOSIDA NUTQIY IMLOVIY MALAKALARNI MUSTAHKAMLASH

O'qituvchiga yordam

O'zbekiston Konstitutsiyasi umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinflarida ham o'quv fani tarzida o'rgatila boshlandi.

«O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganishni tashkil etish to'g'risida»gi farmoyishda (2000 yil 4 yanvar) Konstitutsiyani o'rganish kursi mazmunining sifatli o'zlashtirilishini ta'minlash maqsadida uning yakuni bo'yicha o'quvchi va talabalar orasida kollokvium va sinovlar o'tkazilishi qayd qilingan.

Maktab o'quvchilari sinov qanday o'tkazilishini biladilar. Ammo kollokvium va uning qanday uyushtirilishi haqida ma'lumotga ega emaslar.

Kollokvium — bilimni tekshirib ko'rishning bir turi bo'lib, asosan oliy o'quv yurtlarida foydalanilgan. Bu atama lotincha bo'lib, suhbat, ilmiy yig'in kabi ma'nolarni bildiradi. Talaba-yoshlarning bilimlarini kollokvium usulida sinash ikki xil ko'rinishda amalga oshiriladi:

a) bilimi sinaladigan guruh bilan o'qituvchi erkin suhbat, davra suhbati uyushtiradi,

bu bilan ularning bilim darajalarini aniqlaydi, belgilaydi;

b) ilmiy yig'inlar uyushtirish. Bunda talabalarga o'rganilgan kurs yuzasidan oldindan mavzular beriladi-da, kollokviumda ma'ruza qiladilar, kursdoshlari tinglangan ma'ruza yuzasidan o'z fikr-mulohazalarini bildiradilar, o'qituvchi baholaydi.

Nutqiy vaziyatga qarab, nutq uch xil, ya'ni so'zlashuv, badiiy yoki ilmiy-rasmiy (idoraviy) uslubda bo'ladi.

«O'zbekiston Konstitutsiyasi» matnlari ilmiy-rasmiy uslubga xosdir. Uslubning mazkur turi ilmiy va rasmiy uslubni o'z ichiga oladi. Bu ikki xil uslub vazifasiga ko'ra bir-biriga yaqin bo'lsa ham, ikki xil kitobiy uslubdir. Ilmiy uslubda nazariy fikrlar ifodalanadi, ular umumlashtirib beriladi. Rasmiy uslubda amaliy ahamiyatga ega bo'lgan bo'limlar, tushunchalar umumlashtirilib yoki aniq ifodalanadi.

Izoh. Nutq uslublari va nutq turlari ikki xil tushunchani ifodalaydi. Nutq turlari matnning mazmun jihatdan turlarini, ya'ni tasvir nutq, rivoya nutq hamda muhokama nutqni anglatadi.

Ilmiy uslubdagi nutqning vazifasi axborot berish, hodisaning sababini anglatish-dir. Rasmiy uslubdagi nutqda esa axborot beriladi-da, shu yuzasidan ko'rsatma, tavsiyalar bo'ladi.

Mazkur ma'lumotlarni puxta anglab olish uchun «O'zbekiston Konstitutsiyasi»dan misollar keltiramiz.

Konstitutsiyaning «Muqaddima»si ilmiy uslub namunasi bo'lib, Konstitut-siyaning qabul qilinishi haqida quyidagi axborot berilgan: «O'zbekiston xalqi... o'zining muxtor vakillari siymosida O'zbekiston Respublikasining mazkur Konstitutsiyasini qabul qiladi».

Bu axborotni asoslash uchun quyidagi dalillar — Konstitutsiyani tuzish tamoyillari ko'rsatilgan:

— inson huquqlariga va davlat suvereniteti g'oyalariga sodiqligini tantanali ravishda e'lon qilib;

— hozirgi va kelajak avlodlar oldidagi yuksak mas'uliyatini anglagan holda;

— o'zbek davlatchiligi rivojining tarixiy tajribasiga tayanib;

— demokratiya va ijtimoiy adolatga sadoqatini namoyish qilib;

— xalqaro huquqning umum e'tirof etilgan qoidalari ustunligini tan olgan holda;

— respublika fuqarolarining munosib hayot kechirishlarini ta'minlashga intilib;

— insonparvar demokratik-huquqiy davlat barpo etishni ko'zlab;

— fuqarolar tinchligi va milliy totuvligini ta'minlash maqsadida... mazkur Konstitutsiya qabul qilindi.

Maktabda Konstitutsiyaning «Muqaddima»si haqida fikr yuritilganda quyidagi kabi so'z va so'z qo'shimchalarining lug'aviy ma'nosini tushuntirish, yuqoridagi tamoyillarning mazmunini bolalarga mos uslubda izohlash tavsiya qilinadi: suveren

— mustaqil, suverenitet — mustaqillik, demokratiya — xalqchil, insonparvar demokratik huquqiy davlat...

Ilmiy-rasmiy uslub.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida 128 ta modda bor.

Ularning ikkitasini namuna sifatida keltiramiz:

Har kim bilim olish huquqiga ega.

Bepul umumiy ta'lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi.

Maktab ishlari davlat nazoratidadir (41-modda).

Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar (66-modda).

Ma'lum bo'ldiki, bu moddalarda fikrlar rasmiy uslubda ifodalangan, ko'rsatma-tavsiyalar berilgan.

* * *

Konstitutsiya materiallaridan umumiy o'rta ta'lim maktablari ona tili darslarida o'quvchilarning bog'lanishli nutqini o'stirish, lug'aviy-imloviy malakalarini mustahkamlash, nazariy ma'lumotlarni bayon qilish va ular yuzasidan mashqlar uyushtirish jarayonida foydalanish tavsiya qilinadi.

O'quvchilarning quyi sinflarda matn va uning turlari haqida olgan bilimlarini kengaytirish, umumlashtirishda «O'zbekiston gerbi» matni asosida ish olib borish tavsiya qilinadi. O'qituvchi Konstitutsiyaning 5-moddasini o'qib beradi: «O'zbekiston Respublikasi Qonuni bilan tasdiqlangan o'z davlat ramzlari — bayrog'i, gerbi va madhiyasiga ega».

5-sinfda «Vatanimiz gerbi» mavzusida insho yozish uchun 2 soat ajratiladi. O'qituvchi doskaga «O'zbekiston gerbi» rasmini qo'yib, quyidagilarni bayon qiladi.

«Gerb» so'zi nemischa «erbo» so'zidan hosil bo'lgan. Uzoq o'tmishda shohlar va hukmdorlarga nasldan-naslga meros bo'lib qolgan mulk belgisi ma'nosini anglatgan.

Shu ma'noni eski o'zbek tilida «tamg'a» deb atashadi.

Mustaqil O'zbekiston Respublikasining davlat gerbi 1999 yil 6 iyul kuni tasdiqlangan.

O'qituvchi quyidagi matnni o'qib beradi. Bunda o'quvchilarning diqqatini matnning turini (rivoya, tasvir, muhokama) aniqlashda so'zlarning lug'aviy ma'nolariga jalb qiladi:

Chambar-doira shaklidagi narsa: gulchambar. Sochlarini chambar qilib olgan navbatchi qiz.

Timsol — obraz, vodiy — uch tomoni tog'lar bilan o'ralgan hudud.

O'zbekiston davlat gerbi chambar shaklida. Uning yuqorisida gullagan vodiy uzra charaqlab turgan quyosh tasvirlangan. Chambarning o'ng tomonida bug'doy boshoqlari, chap tomonida ochilgan paxta chanoqlari bor. Gerbning yuqori qismida respublika ji psligining ramzi sifatida 8 qirralik yulduz tasvirlangan: 8 qirra ichida joylashgan yarim oy va yulduz qutlug' ramzlardir. Gerb markazida himmat, olijanoblik va fidoyilik timsoli bo'lgan afsonaviy Humo qushi qanotlarini yozib turibdi. Ushbu ramz va timsollar xalqimizning tinchlik, yaxshilik, baxt-saodat, farovonlik yo'lidagi orzu-umidlarini ifodalaydi. Gerbning pastki qismidagi respublika davlat bayrog'ini ifodalovchi uch rangdagi chambar bandiga «O'zbekiston» so'zi bitilgan.

O'qituvchi bu matn tasvir matn ekanligini ta'kidlab, o'quvchilarning faol ishtirokida matn rejasini tuzish yuzasidan ish olib boradi. Matnning birinchi so'z boshini o'quvchilardan biriga o'qitib, nimalar tasvirlanganligini bolalardan so'raydi.

O'quvchilarning javoblarini to'ldirib, matnning sarlavhasi va rejasini doskaga yozadi.

O'zbekiston gerbi

Reja:

1.Chambar shaklidagi O'zbekiston gerbining yuqorisida, chambarning o'ng va chap tomonida nimalar tasvirlangan?

2.Gerbning eng yuqori qismida nimalarning rasmi bor?

3.Humo qushi qayerda va qanday turibdi?

4.Gerbdagi yulduz, yarim oy ramzi nimani ifodalaydi? Humo qushi timsoli-chi?

5.Gerbning qayeriga «O'zbekiston» so'zi yozilgan?

O'quvchilar rejani ko'chirib yozadilar. «Vatanimiz gerbi» mavzusida insho yozib kelish uyga vazifa qilib beriladi.

7-sinfda quyidagi matnlardan tekshiruv diktanti o'tkazishda foydalanish tavsiya qilinadi:

«Bizda saylovlar»

O'zbekiston Respublikasining fuqarolari vakillik organlariga saylash va saylanish huquqiga egadirlar. Har bir saylovchi bir ovozga ega. O'z xohish-irodasini bildirish tengligi va erkinligi Qonun bilan kafolatlanadi.

O'zbekiston Respublikasida Prezident saylovi, hokimiyatning vakillik organlari saylovi, umumiy, keng, to'g'ridan-to'g'ri saylov huquqi asosida yashirin ovoz berish yo'li bilan o'tkaziladi. O'zbekiston Respublikasining 18 yoshga to'lgan fuqarolari saylash huquqiga egadirlar.

Sud tomonidan muomalaga layoqatsiz deb topilgan fuqarolar, shuningdek, ozodlikdan mahrum etish joylarida saqlanayotganlar saylanishi mumkin emas va saylovda qatnashmaydilar. Boshqa har qanday hollarda fuqarolarning saylov huquqlarini to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita cheklashga yo'l qo'yilmaydi.

O'zbekiston Respublikasi fuqarosi bir vaqtning o'zida 2 martadan ortiq vakillik organining deputati bo'lishi mumkin emas...

(«O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi»dan).

Nazariy ma'lumotlarni o'rganishda, turli amaliy ishlarni uyushtirishda hayotimizning asosiy qonunidagi gaplardan, matnlardan ham foydalanish tavsiya qilinadi. Bunda o'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olish zarur. Bu ishlarni quyi sinflardan boshlab amalga oshirish o'quvchilarning yuqori sinflarda O'zbekiston Konstitutsiyasi o'quv fani sifatida o'rgatilishiga asos bo'ladi.

Lug'aviy-imloviy mashqlarda Konstitutsiyada qo'llanilgan quyidagi so'zlardan ham foydalanish mumkin:

demokratiya
respublika
davlat organlari
boshqaruv organlari
gerb
umumiy ovoz
(referendum)
partiya
sud
demokratik huquq
normativ huquqiy hujjat
Konstitutsiyaviy tizim
miting
yuridik shaxs
deputat
strategik dastur
byudjet
prezident
konstitutsiyaviy sud
prokuror
ratifikatsiya (tasdiqlash)
parlament
akkreditatsiya
di plomatik
sudya (sud qiluvchi)
qo'mondon
orden
medal
Konstitutsiyaviy
sud sudyalari
advokatura
kooperativ
pul-kredit tizimi
bank tizimi
e'tirof etmoq
ta'minlash
ma'muriy-hududiy
e'tiqod qilish
ta'minot
iste'molchi
ma'naviyat
a'zo bo'lmoq
ma'lumotnoma
iste'fo
taqiqlanadi

Ona tili darslarida quyidagi kabi gaplardan mashq materiali tarzida foydalanish tavsiya qilinadi:

40-modda. Har bir inson malakali tibbiy xizmatdan foydalanish huquqiga ega.

49-modda. Fuqarolar O'zbekiston xalqining tarixiy, ma'naviy va madaniy merosini avaylab-asrashga majburdirlar.

Madaniyat yodgorliklari davlat muhofazasidadir.

50-modda. Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburdirlar.

52-modda. O'zbekiston Respublikasini himoya qilish — O'zbekiston Respublikasi har bir fuqarosining burchidir. Fuqarolar qonunda belgilangan tartibda harbiy yoki muqobil xizmatni o'tashga majburdirlar.

55-modda. Yer, yer osti boyliklari, o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zahiralar umummilliy boylikdir. Ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat

64-modda. Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga yetgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga majburdirlar.

65-modda. Farzandlar ota-onalarining nasl-nasabidan va fuqarolik holatidan qat'i nazar qonun oldida tengdirlar.

Onalik va bolalik davlat tomonidan muhofaza qilinadi.

66-modda. Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar.

Shuni ham ko'rsatib o'tish kerakki, «Ona tili» darsliklarida Konstitutsiyadan olingan yoki u haqda yozilgan matnlar yetarli emas. Chunonchi, 3-sinf kitobida quyidagi gap: «8 dekabr O'zbekiston Konstitutsiyasi kuni» hamda quyidagi «Hayot qonuni» matni bor:

Har bir davlatning asosiy qonunlari yozilgan Konstitutsiyasi bor. Unda davlat tuzilishi, inson turmushi, erki, burchi yozib qo'yiladi. Fuqarolarning yashash, ishlash, bilim olish, dam olish kabi huquqlari qonun bilan himoya qilinadi.

Inson huquqlari nimada belgilanadi? Javobingizni yozing (67-mashq, 31-bet).

3-sinf o'quvchilari davlat tuzilishi, erk, burch tushunchalari bilan tanish emaslar.

4-sinf «Ona tili» darsligida (2001 yil) 358-mashqda «Konstitutsiyaning 41-moddasida «Har kim bilim olish huquqiga ega» gapi berilgan, xolos.

Faqat «Ona tili» darsliklaridagina emas, boshqa o'quv fanlari kitoblarida ham o'rni kelganda Konstitutsiyaga oid materiallar ham berishga erishish kerak.

Yo'ldosh ABDULLAYEV,
pedagogika fanlari nomzodi

Мен эслайман, туманимиздаги 2-мактабда ўқиб юрган йилларимда ўқитувчиимиздан ўша вақтлар "Ўқитувчилар газетаси" бўлиб чиққан газетани синфдошларим билан қизиқиб олиб ўқирдик.

Вилоятимиздан яна бир истеъдодли қизимиз Зулфияхоним қизлари сафидан ўрин олгани бугунги кунда барчамизни қувонтирмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

"Маърифат" газетаси ижодий ходимларининг муштарийлар билан учрашуви Наманганда давом этди. Наманган маорифчилари ҳар йили "Маърифат"га обуна бўлишганидан кейингина бошқа нашрларни ўйлашади.

Бу сафар ҳам Наманган зиёлилари учрашувларда фаол иштирок этиб, севимли газеталари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини дадил изҳор қилдилар.

«АВВАЛО «МА'RIFAT»ГА ОБУНА БЎЛАМИЗ»

Тоҳиржон ҲАСАНОВ, Наманган туман халқ таълими бўлими мудири:

—"Маърифат" барибир "Маърифат"да, уни ўқимасак бир нарсамизни йўқотиб қўйгандек бўлиб юрамиз. Биз учун шу газетадан яқинроқ нашр йўқ, аслини олганда ўқитувчи даврдан орқада қолмаслиги учун ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг илғор тажрибалари таҳлил қилиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Туманимиз 2002 йил обунасида энг олдинда бормоқда.

Музофат АҲМЕДОВА, Поп тумани халқ таълими бўлими мудири:

—"Маърифат"га гап йўқ, қўлдан-қўлга ўтиб юради. Халқ таълими вазирлигининг турли-туман ҳужжатлари, зарур қўрсатмаларининг тахлили газетада чоп этилиши бизotsiz учун катта қулайлик яратиб, мушкулимизни осон қиляпти.

Каромат ИСМАТУЛЛАЕВА, Чортоқ тумани халқ таълими бўлими мудири:

—Асли бу учрашувлар зиёли учун бир байрам. Дилингдаги гапни айтиб оладиган пайт. Халқ таълими соҳасида мамлакатимизда кетаётган илғор жараён бизда ҳам аксини топмоқда. "Маърифат" ўқитувчининг йўлдоши экан, унинг гапи ҳам ичида қолиб кетмасин. "Олисдан хат" ё "Мактуб" рукнида уларнинг гапи ёритиб борилса, менимча, ёмон бўлмайди.

Асли газета бор бўйича бизга ёқади. Янаям ўқимишли бўлса ёмонми?

Ҳасанбой ОТАВАЛИЕВ, Учқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби:

— Аввало, меҳмонлар хуш келибсизлар. Мана, қадрли газетамиз илк бора чоп этилганига 70 йил, "Маърифат" номи билан чиқаётганига 10 йил тўлаётган улуғ кунларда, газетамиз янада ўқимишли, янада севимли бўлишини тилайман. Вилоятимизда, қоланверса, туманимизда "Маърифат"нинг ашаддий мухлислари кўп. Мен эслайман, туманимиздаги 2-мактабда ўқиб юрган йилларимда ўқитувчимиздан ўша вақтлар "Ўқитувчилар газетаси" бўлиб чиққан газетани қизиқиб олиб ўқирдик, синфдошларим билан. Мана 30-40 йил маорифда ишлаётган эканмиз, бу нашр ҳамиша яқин дўстимизга айланган. Газета ҳозирги ҳолатда ҳам бус-бутунича бизга ёқади. Мамлакатимиз катта, ўқитувчилар кўп, зиёли одамнинг кўнгли ноғик бўлади, шуни ҳисобга олиб, материаллар географиясига эътибор қаратилса яхши бўларди. Наманганликлар ҳам ўксиб қолмаслиги, севимли газетасида бирор-бир тажрибаси янгилиги билан чиқиб турса, нур устига нур бўларди.

Мухаррамхон ШАМСИЕВА, Наманган шаҳар халқ таълими бўлими мудири:

—"Маърифат"чиларнинг вилоятимизга келиб ўтказаётган учрашувлари эсдан чиқмайдиган шодиёнага айланмоқда. Дафтару китобларга қараб кунни тунга улайдиган касб соҳиблари учун, кичик эътибор ҳам, катта натижа беради. Шу боис, Наманган маорифчилари ҳам севимли газеталарида ўз тажрибаларини, меҳнат муваффақиятларини ёритилишини хоҳлайдилар.

Хусусан, менга "Болалар дунёси", "Меҳмонхона" рукнлари ёқади. "Меҳмонхона"да кутилмаган меҳмонларни кутаман.

Мавлуда АЛИМҚУЛОВА, Учқўрғон туманидаги 16-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси:

— Мен учрашувларда иштирок этмаган бўлсам ҳам, "Маърифат"чиларга айтиб қўйсангиз. Биз ҳам ўгай эмасмиз. Бизни ҳам эсдан чиқармасинлар. Обуна бошланди дегунча, бизга 40-50 мароталаб нашрга обуна бўлинг дейишади. Майли, деймизу, аввало "Маърифат"га ёзиламиз. Кейин қолганлари деймиз. Негаки, бизни дилимиздаги, тилимиз учидаги гаплар "Маърифат"да-да. Газета-журналлар бизга сал кечикиброқ келади. Шошиб-пишиб ўқиймиз, негаки XXI аср муаллимларидан ортда қолмаслигимиз, жаҳонда тадбиқ қилинаётган илғор тажрибалардан воқиф бўлмоғимиз шарт. "Менинг истакларимдан яна бири, тилшунослик муаммоларидан ташқари, адабиёт ҳақида, адабиёт мустақиллик йилларида гуркираб кетмоқда. Ҳозирги кутубхоналар камбағаллашган бир даврда, шоир-ёзувчиларнинг янги, зўр асарларидан дарсликка ўхшатиб, бериб борилса қўнглимиз тўларди.

Очиқ мулоқот узоқ давом этди. Халқ таълими раҳбарлари-ю, оддий ўқитувчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Наманган шаҳридаги 12-ўрта мактаб, туманларда бўлган мулоқотлардан шу аён бўлдики "Маърифат"га обуна янги йилда бошқача бўлади.

Д.ХАЙДАРОВА

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ— ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Узбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси меҳнат жамоаси кейинги йилларда ўз фаолиятини тубдан қайта ташкил этди. Шу кунларда вилоятимизда 641 та умумтаълим мактаблари, 18 та ихтисослаштирилган мактаблар, 11 та мактаб-интернатлари ишлаб турибди. Уларда 480 минг нафардан ортиқ ўқувчилар таҳсил олишаётир. Бундан ташқари, тасарруфимиздаги 526 та мактабгача таълим муассасаларида 46 минг 912 нафар болажонлар тарбияланишмоқда. Умуман, вилоятимизда корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидагилари билан 789 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда.

Таълим жараёнида бахтимиз қомуси бўлган Узбекистон Республикаси Конституциясини урганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг "Узбекистон Республикаси Конституциясини урганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ҳам Республика ҳалқ таълими вазирлигининг фармойиши асосидаги бўйруғи ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунга асосан барча таълим муассасаларида Конституцияни ўқитиш, урганиш жорий этилди. Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган Конституцияни ўқитиш бўйича дарсликлар олиниб, таълим муассасаларига етказиб берилди. Конституцияни ўқиталиган ўқитувчиларнинг Республика халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида, ВПХМОИ да ҳамда шаҳар, туман ХТБлари методик марказларида малакалари оширилди.

Республика халқ таълими вазирлигининг "Умумий ўрта таълим Давлат стандартларини ўқувтарбия жараёнига жорий этиш мониторинги ўтказиш дастури" бўйича ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Утган даврда Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Норин ва Наманган туманлари умумтаълим мактабларининг 5-7 синфларида ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари асосида янги ўқув дастурларини ўзлаштиришлари урганиб чиқилди. Куплаб мактабларнинг иш тажрибалари оммалаштиришга тавсия этилди.

ДТС асосида янги ўқув дастурларини ўзлаштиришда камчиликка йўл қўйилган жойларга методик ёрдам кўрсатилди. Жойларда мониторинг хизматини яхшилаш, ДТС талаблари ижросини таъминлаш, ҳукумат қарорлари ва юқори бошқарув органлари қўрсатмалари мониторингини олиб бориш масалаларини такомиллаштириш, жойлардаги ўқув услубий ва мониторинг хизматлари савиясини янада яхшилаш мақсадида барча туманлар мониторинг бўлимлари бошлиқларини суҳбатдан ўтказдик. Натижада уларнинг билими, онги, ўзига топширилган вазифани қай даражада бажариши аниқлаб олинди.

Маълумки, ўқувчиларнинг ёзги таътилларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкиллаштириш, ҳамда ёзги таътилларини ўтказишнинг ўзига хос шакл ва усулларини ишлаб чиқи

Ўзинг ўқитган, сабоқ берган шогирдларингнинг элу юрт корига яраб, оғирини енгил қилиб юрганини кўриб қувониш, бу ўқитувчига, устозгагина насиб этадиган бахт.

МИЖИБ-МИЖЧИМАС МУАЛЛИМ

Сирдарё туманидаги "Малик" ширкатлар уюшмасида яшовчи Келдак Алиевни одамлар шундай аташади. Боиси, у киши изланувчанлиги ва тиришқоқлиги билан таниганбилганларнинг барчасида яхши таассурот қолдиради.

"Умримнинг қирқ йилдан зиёдроғи мактабда, ўқитувчилик соҳасида кечди, — дейди айни пайтда нафақада кексалик гаштини сураётган муаллим Келдак ака Алиев. — Ўтган кунларимни сарҳисоб қиларканман, бир нарса кўнглимга таскин беради. Бу — шогирдлар камоли. Ўзинг ўқитган, сабоқ берган шогирдларингнинг элу юрт корига яраб, оғирини енгил қилиб юрганини кўриб қувониш, бу ўқитувчига, устозгагина насиб этадиган бахт. Шу бахтга етишганимдан хурсандман".

Ta'lim jonkuyarlari

Келдак ака ўтган давр мобайнида Сирдарё туманидаги 25-,9-мактабларда ва туманда ташкил этилган кечки мактабда меҳнат қилди. Ёшларга химия-биология фанидан сабоқ берди. Фарзандлари, кўплаб шогирдлари бу фидойи муаллимга ҳавас қилиб ўқитувчилик касбининг этагидан тутдилар. Ўз навбатида Келдак ака ҳам ўзида бу касбга меҳр уйғотган устозларини миннатдорлик билан эслайди.

Келдак Алиев номи кўплаб муштарийларга, қалам аҳлига ҳам таниш. Сабаби, у киши 80-йиллардан буён турли мавзуларни қаламга олиб, турли нашрларда жамоатчи мухбир сифатида иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирда нафақа ёшида набиралар тарбияси билан машғул бўлган кекса муаллимнинг эпчиллиги, абжирлиги қишлоқдагиларга маълум. Қишлоқнинг унчамунча йигитлари ҳам ҳали у кишини стол теннисида ютолган эмас. Келдак ака ўз томорқасида стол тенниси ташкил этган. "Ёшлар бўш пайтларида ҳеч бўлмаса спорт билан шуғуллансин. Бу уларнинг соғлом ва чаққон бўлишларида ёрдам беради, деб ўйладим", дейди Келдак ака. Ҳа, у кишини таниган-билганлар берган таъриф тўғри. Ҳақиқатан, тиниб-тинчимас одам-да, бу муаллим.

Ҳикматилла ТЎЛЕБОЕВ

Xotira

Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни—ҳаммага бирдек ўз ҳукмини ўтказишдадир. Инсон унинг суронли ва шафқатсизлигига қарши бора олмайди, балки унга итоат этади, мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланади холос.

География фанлари доктори, профессор Абдумўмин Рўзиев ҳозир орамизда йўқ...

1936 йилнинг 18 июнида Шўрчи туманидаги Сайрак қишлоғида туғилган Абдумўмин мактабдан сўнг, Ўрта Осиё Давлат Университетига ўқишга кирди. Айнан шу ерда бўлажак олим ўзига хос бир дунёни кашф этди. Олийгоҳнинг иқтисодий жўғрофия бўлимини тамомлагач эса, Ўзбекистон ФА география бўлимига йўлланма олди.

1960-1963 йилларда у қишлоқ хўжалик географияси билан шуғулланди. Машҳур олимлар А.Ракитников, К.Иванов ва бошқаларнинг асарларини қунт билан ўрганди, таҳлил қилди, илк илмий ишларини шу мавзуга бағишлади.

Ана шу меҳнатлар, ана шу изланишлар натижаси ўлароқ 1967 йилда професор З.Акрамовнинг раҳбарлигида "Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиши ва ривожланиши муаммолари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

БЕНАЗИР ИНСОН ЭДИ...

1963-1978 йилларда Ҳ.Олимжон номидаги Қарши ДПИда турли лавозимларида фаолият юритган олим, 1978 йилдан 1996 йилга қадар Термиз Давлат университетида доцентликдан тортиб, иқтисод-география факультети деканигача бўлган лавозимларда самарали меҳнат қилди.

1987 йилда Ленинград ДУ илмий кенгашида "Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплексининг ҳудудий системалари ва уни такомиллаштириш йўллари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, агросаноат интеграцияси негизида ривожлантиришнинг ҳудудий системаларини кашф қилди.

150 дан ортиқ илмий асар, қўлланма, монография ва дарсликлар, 100 дан ортиқ мақолалар муаллифи, бир қанча энциклопедия ва справочникларни ўзининг илмий материаллари билан бойитган меҳрибон устоз 65 йил умр кўрди. Шукрки ана шундай инсондан кўнгилларга таскин, қалбларга хотиржамлик берадиган бир нарса қолдики, у ҳам бўлса домланинг ўзига ўрнатган ҳайкали-фарзандлари, шогирдлари, қолаверса, унинг яратган асарларидир.

А.Рўзиев география соҳасида ўз мактабини очган салоҳиятли олим эди. Уни нафақат вилоят ёки Республикамизда, ҳатто чет элларда ҳам танишар ва тан олишарди. Олим бошлаб қўйган ишлар, тугалланмаган тадқиқотлар, ечимини топмаган муаммолар ишонамизки, унинг фарзандлари, шогирдлари томонидан ниҳоясига етказилади.

К.АЛИОХУНОВ

УНГА ҲАВАС ҚИЛАДИЛАР



Хатирчидаги 7-мактабга ўзбек тили ўқитувчиси сифатида ишга келган ёшгина педагог бир лаҳза ўйга чўмиб қолди. "Наҳотки, эндиликда ўзим ҳам ўқитувчи бўламан".

Эсини танигандан буён таълим олади. Институтни тамомлаганда ҳали эгаллаш мумкин бўлган илм чўққилари сонсаноқсиз эканлигига яна бир бор амин бўлиб, ўқишу изланишларни давом эттиришни юрагига тугиб қўйганди...

Аҳмаджон Пўлатов нафақат Хатирчида, балки вилоят миқёсида ҳам ижодкор ўқитувчиларга яхши таниш. Таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ўзига хос мактаб яратаётган услубчи устоз амалий тажрибаларини қадрловчи шогирдлар ҳам талайгина. Туман ХТБ услубхонаси мудири Аҳмаджон аканинг фаолияти қуйидаги тамойилга асосланган: ҳар бир педагог ҳақиқий инсонни, етук шахсни тарбиялай олишида кўмаклашиш. Токи келажак авлод янги асрда ҳам муносиб ҳаёт кечирсин, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросидан кутилган қутлуғ мақсад — баркамол авлод вояга етсин.

Ўз касбини чексиз қадрлаган Аҳмаджон Пўлатов ҳамкасбларидан ўта ишчанлиги, тиришқоқлиги ва масъулиятлилиги билан ажралиб туради. Унинг иштирокидаги суҳбатлар, педагогик ўқишлар, мунозарали кечалар бир лаҳзада ўтиб кетади, гўё.

Кейинги пайтларда туман мактаблари орасида фан йўналишлари бўйича соғлом рақобат юзага кела бошлади. Таълим муассасалари, айниқса, аниқ фанлар бўйича биринчи бўлсам дейди. Бу ўз навбатида фан ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Жамоатчилик эътиборига тушиш, юқори натижаларга эришиш орқали ҳокимликлар ва ҳомийлар моддий рағбатларини ўз жамоасига йўналтириш иштиёқи ҳам кўпчиликни ғайрат қилишга ундайди. Ва, бундай муҳит туманда Аҳмаджон аканинг изланувчанлиги боис юзага келди. У ҳар бир мактабнинг алоҳида фанлар бўйича эришган натижаларини таҳлил қилиб чиқади. Қайси мактабда имкониятлар самарали тасарруф этилаяпти, қайси жамоа мавжуд интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдалана олмаяпти, бунинг сабаблари нимада каби тахлилий масалаларни ҳал этиш А.Пўлатовнинг кундалик иши. Унинг шиори ҳам ўз ишининг мазмунига мос — "Таълим қувноқ жараён бўлиши керак".

Кейинги йилларда Хатирчи тумани ХТБ услубхонаси янги педагогик технологияларни ўзлаштириш, амалда қўллаш ва таълим жараёнини самарали ташкил этиш йўллари борасида тинмай меҳнат қилаяпти. Меҳнатлари муносиб баҳоланаётган Аҳмаджон акага ҳамма ҳавас қилади. Биз бу инсонга янада катта ишонч билдириб қоламиз.

В.ШАРИПОВА,
Навоий ВПҚТМОИ
ташхис ва рейтинг кафедраси мудири

ЎҚУВЧИГА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ КЕРАК

Ҳаётда ҳар бир инсон ўзига хос салоҳиятга эга. Муҳиддин ака Рашидов мана шундай инсонлардан бири. Унинг ҳаёт йўли эл қатори, аммо баъзи фазилатлари ўзгаларда учрамайди. Мана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу инсон бошлаган ишига кишиларни ишонтира олади, тартиб-интизомни эса ҳамиша биринчи ўринга қўяди. Шунинг учун бўлса керак, у ва у раҳбарлик қилаётган жамоа фаолияти эл эътиборига тушди.

Муҳиддин ака раҳбарлигидаги Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти ҳузуридаги ихтисослашган лицей-интернатда 7 нафар фан номзоди, 16 нафар олий ва биринчи тоифали муаллимлар ёшларга таълим-тарбия беришмоқда.

— Ўқувчига, энг аввало, ижодкор ўқитувчи керак. Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбия беришдаги ижодкорлиги, уларни амалий фаолият ва касб-ҳунарга ўргатиш маҳорати жуда муҳимдир, — дейди Муҳиддин ака.

У жамоадаги ҳар бир ўқитувчини ДТС талабларининг бажарилаётганлиги, дарсларнинг узвий алоқадорлиги, янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши каби замонавий талаблар асосида дарс ўтишга ундайди. Лицей-интернатни битирган 450 дан зиёд ўқувчиларнинг олийгоҳларда таҳсил олаётганликлари самарали меҳнат натижасидир. Лицей-интернатда фаолият кўрсатаётган оташқалблар уюшмаси фаол ўқувчиларни ўз атрофига тўплади. М.Рашидов иқтисодиёт асослари фанидан сабоқ бериш билан бирга номзодлик диссертацияси устида қизғин иш олиб бормоқда. 12 та илмий, ўқув-услубий мақолалар ва 1 та муаллифлик ишлари унинг меҳнати самарасидир.

Худойназар ТОШЕВ

ТАБИАТ ОШУФТАСИ

Юзларидан қуёш чарақлаб турадиган Одина опани таниб билганимга айтарли кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у киши билан тез-орада тил топишиб кетдик. Оддий, камтарин, кўнгли очиқ, билимли инсон.

Опа табиатида водийлик аёлларнинг фазилатлари мужассам. У 1979 йилда Андижон Давлат педагогика институтини тугатганлиги ҳақидаги дипломни олди. Шундан буёғига ўқитувчилик касбини ардоқлаб келяпти. Химия ва биология фанларидан ўқувчиларга сабоқ беради.

— Биласизми ука, табиатни севаман. Ўқувчиларимга ҳам буни чуқурроқ англаб етишларини қайта-қайта таъкидлайман, — дейди муаллима суҳбат чоғида.

Астойдил интилган, ҳалол меҳнат қилган одамгина ўз муродига етади, ҳаракати маҳсулини кўради. Одина опа тинмай тажриба орттириши ва амалиётда уларни қўллай олиши эвазига меҳнатининг натижасини кўриб, билаяпти. Паркент туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабида ишлаб, ўқувчиларга ўз фани сир-асрорларини пухта ўргатиб боряпти. Шу боис, унинг икки нафар ўқувчиси республика миқёсида ўтказилган иқтидорли болаларнинг VII анжуманида ҳам туманнинг, ҳам вилоятнинг шарафини ҳимоя қилиб, беллашув шоҳсупасининг энг юқори поғоналаридан жой олишга эришдилар.

Опанинг қўлидаги иккита альбомини кўздан кечирар эканман, фан ривожи, тараққиёти йўлида илмий иш олиб бораётганидан қувондим. Илмий ишининг самараси ҳозирдан кўпгина умумтаълим мактабларида ижобий натижа бераётгани сир эмас.

Айни кунларда Одина Акбарова "Ўқувчиларнинг билим фаоллини оширишда ЭҲМдан фойдаланиш" деган мавзуда илмий диссертация ёқлаш ҳаракатида юрибди. Бу борада бўлажак фан номзодининг саккиздан ортиқ илмий мақолалари республика матбуоти ва журналларида эълон қилинди.

— Илмий иш ёқлаш орқали бирор-бир моддий манфаатдорлик назарда тутилмайди, балки шу изланиш эвазига ёш авлодга янгича билим бериш, дилингизда кўзлаган мақсадингизни уларнинг қалбига сингдириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади, — дейди Одина опа. — Агар биз янгилик бўлиб кириб келаётган компьютерлардан умумли фойдаланган ҳолда янги программа, янги дастурлар асосида ёшларга билим берсак, муаммолар ўз ечимини топади, деб ҳисоблайман.

Айни вақтда Одина Акбарова Паркент тумани халқ таълими бўлимида услубчи сифатида ҳам намунали иш юритяпти. Мавжуд 43 та умумтаълим мактабидаги биология ва химия фани ўқитувчиларига ўз тажрибалари билан ёрдамлашиб келяпти. Зарур бўлган пайтда амалий ёрдамини аямаяпти.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ

Миразиз АЪЗАМ

БИР БАХТСИЗ МУҲАББАТ

(Ҳикоя)

(Охири. Боши газетамизнинг ўтган сонларида.)

Олдиндан Оллоҳдод ва Арғуншоҳга бир, Худойдодга бир чопар юбориб, фалон куни Султонияга (Самарқанд яқинида Амир Темур бунёд этган қасабага) бораман, деб хабар йўллади.

Халил Султон Султонияга етиб келгач, Худойдод кундузи унга қарши ўз лашкарини териб, майдонда бир-икки қилич ўйнатиб у ёқ бу ёққа ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди. Халил Сутон, у менинг ҳайбатимдан чўчиди, деб ўйлаб, бемалол дам олгани ётди.

Худойдод тун чўкиши билан энг абжир ботирлари, хавф-хатарни билмайдиган жасур бир тоифа ҳамроҳлигида Султонияга, Халил Султон қўналғасига бориб етди. Ярим тунда кимлар от чоптириб келганини ҳеч ким фаҳмлаб ҳам улгурмади. Худойдоднинг бургутлари Халил Султоннинг лочинлари билан ҳаёт-мамот урушига кирдилар. Уруш чангали бировни майда-майда қилиб бурдалаб ташлади, бировни йиқитди, бировни қонга ботирди. Халил Султон тузоққа тушганини англади (1409 йил, 30 март). Хаёлида аллақандай мавҳум сатрлар айлана бошлади:

Жоним, борма
дарёларнинг бўйларига,
Яқинлашма илонларнинг
уйларига.
Яқинлашсанг илонларнинг
уйларига,
Чақтирарлар илонларнинг
бийларига...

Худойдод энди фармон ва ҳукмлар ёзиб, Халил Султоннинг муҳрини босар ва мамлакат атрофларига юборар эди. Шу тариқа бутун Мовороуннаҳр унга бўйсунди. Ҳар эҳтимолга қарши Шоҳруҳга одам юбориб: "Мен сизнинг қулингизман, бу ишлар сизга хизмат юзасидан қилинди, энди қай тарздаки ҳукм қилсангиз, уни адога етказаман", деган сўзларни етказди. Аммо Шоҳруҳ "Энди бизда ихтиёр қолмади, биз ўзимиз етиб борамиз" деб жавоб қайтарди. Тез орада Жайҳун лабига етиб борди.

Шоҳруҳ шерлари билан олишолмаслигига кўзи етган Худойдод шундоғам қути ўчган Самарқанд хазинасини шипириб, Халил Султонни ёнига олди-да, Андижонга жўнади. Бошкент қалъасига эса Оллоҳдод, Арғуншоҳ, Бобо Тармишни қўйди. Шод Мулкни ҳам шаҳарда қолдирди. 13 майда Самарқанд Шоҳруҳнинг қароргоҳи бўлди.

Шоҳруҳ йигитлари доруссалтана Самарқанднинг инқирозига сабабчи бўлган инсонларни жазолай бошладилар. Оллоҳдод ва Арғуншоҳбекни қўлга олиб, турли азоб-уқубатлар билан қийнадилар, мол-мулкларини мусодара қилдилар. Бобо Тармишнинг оёқ-қўлларига оғир-оғир кишанлар урдилар. Шу ҳолда уни банди қилиб олиб кетаётганларида кенг ва чуқур ҳовуз ёнидан ўтдилар. Шунда у қоровуллар қўлидан ўз қўлини шарт чиқариб олиб, ўзини сувга ташлади ва ғарқ бўлиб ўлди. Шод Мулкнинг барча бойликларини олиб, ўзини арқон билан маҳкамлаб боғладилар ва бозорларда жарчига жар солдириб, халойиққа сазойи қилдилар.

Худойдод Халил Султонни Андижонга қўйиб, ўзи Мўғулистонга юзланди. Мақсади улардан ёрдам (қўшин) олиш эди. Аммо мўғуллар Худойдоднинг ўзини қўлга олиб, Халил Султонга: "Сен билан биз дўст эдик. Сен билан Худойдод ўртасида нима бўлганини биламиз. Мулк қўлингдан чиқишига сабабчи бўлгани бизга маълум. Ҳозир у сенинг номингдан мадад сўраб келди. Маслаҳат кўрсанг у билан сенга мадад юборамиз, буюрсанг қатл этамиз" деб хабар қилдилар. Халил Султон уларга: "У мени хўрлаб, Ватанимдан ва севгилимдан жудо қилди. Энди менинг номимни рўкач қилиб ўзини оқламоқчи. Нимани фойдали деб топсаларинг, ўшани қилинглар" деди. Мўғуллар Худойдоднинг бошини Халил Султонга юбордилар.

Халил Султонга эса дунёнинг қизиғи қолмади. Севгилисига бағишлаб қасидалар, ғазаллар ёзиб, бошига тушган ғурбату фироқларни зикр этар, эшитган одамларнинг жигарларини пора-пора қилар эди.

Қопқора бўларкан
ҳижроннинг ранги,
Ҳажр оташида ҳар
оннинг ранги.

Ойсиз ва юлдузсиз
бўлса кечалар
Кўмирдай бўларкан
осмоннинг ранги.

Гарчи гуллаб турса,
кўклаб турса ҳам,
Дўстсиз қурум экан
бўстоннинг ранги.

Фақат инсон билан,
суюк ёр билан
Гўзал бўлар экан
жаҳоннинг ранги.

Мен сенсиз бўларим
бўлди сарғайиб.
Сомон бўлди Халил
Султоннинг ранги.

Баъзан қўлига танбур олиб, халқ йўлида термалар айтиб ўтирарди:

Ёрилмоқда анорлар
дона-дона,
Турналар учиб келар
Андижона.
Менинг турнам келади
ёна-ёна.
Қанотлари бўяниб
қора қона.

Турнам сузар ҳавони
ёра-ёра.
Ҳолдан кетиб Самарқанд
бора-бора.
Борганда қандай боқар
ёра-ёра.
Айрилиқда қийналган
азиз жона.

Ниҳоят нима бўлса бўлди деб, дунёдан этак силкигандай саноқли одамлари, отларини олиб, амакиси Шоҳруҳ томонга юзланди.

Шоҳруҳ жиянини шоду хурамлик билан қучоқ очиб қарши олди. Илгариги ишлари ҳақида бир сўз ҳам демади, бирон воқеани юзига солмади. Севгилиси Шод Мулкка қўшди. Шундан сўнг Шоҳруҳ Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатини ўз ўғли Мирзо Улуғбекка иноят қилди, ўзи Халил Султонни олиб, Ҳиротга қайтди.

"Онҳазрат (Шоҳруҳ) уни (Халил Султонни) яхши бир ерга туширди ва унга етарли миқдорда маош тайин қилиб, навкарларига ҳам меҳрибонликлар кўрсатди. Мирзо Халил Султон бир неча кунни айш-ишратда ўтказгач, хизматга киришди" деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий. Орадан бир мунча вақт ўтгач, Шоҳруҳ уни ўз ҳузурига чорлаб, марҳум отаси Мироншоҳ девонига тааллуқли бўлган Ироқ ва Озарбойжонга юзланиши ва эплаган вилоятларини бошқалардан халос қилиб олиб, хоҳлаган ерида мақом тутишни маслаҳат берди. Халил Султон розилик билдирди. Онҳазрат унинг учун салтанат асбобларини муҳайё қилди, бир қанча номдор амирларни ўн минг номдор суворий билан унга қўшди. Халил Султон 1410 йил, 13 мартда Ироқ томон жўнади. Олдин у Рай вилоятига тушди ва бир қанча вақт шу ерда турди. Бу вақтда Халил Султоннинг Умаршайх деган амакисининг ўғиллари Рустам Мирзо билан Искандар Мирзо Исфаҳон атрофларида мулк талашиб, бўридай олишиб ётардилар. Шу асно Рустам Халил Султондан ёрдам сўраб киши юборди. Халил ака-укаларни битимга келтириш учун Исфаҳонга кетди. Аммо Искандарни муросага келтириш ўлимдан ҳам оғир эди. Уларни яраштириш учун жанг қилишдан ўзга чора қолмади. Қаттиқ жанглар воқеъ бўлди. Аввалги урушлар, галма-галдан эл-юртни талон-тарож қилишлар ва энди буниси исфаҳонликларнинг бошига бало бўлди: қимматчилик ранжи ва қаҳат балоси бошланди. Очарчилик олови аланга олди. Ўлат ҳам бошланди. Натижада Халил Султон Райга қайтиб кетишга қарор қилди ва бу ҳақда амакиси Шоҳруҳ Султонни ҳам бир хат ила огоҳлантирди.

Ривоят қилишларича, Халил Султон Райга қайтишдан олдин, бир дарвешнинг полизи тепасига борган. Дарвеш қудуқдан сув ташиб, шаҳарда экин эккан экан. У қовун келтириб Халилни меҳмон қилган. Халил унга ҳеч қандай иноят кўрсатолмай узр сўраб, чиқиб кетган. Райга қайтгандан кейин касалланган. Шод Мулк билан ўрталарида бениҳоя бир аламли ва ҳасратли суҳбат бўлиб ўтган.

— Севимли амакингиз Шоҳруҳ Мирзонинг жосуслари сизга сездирмасдан бир нарса берган, сиз ўшани ичгансиз, — деди Шод Мулк.

— Худодан қўрқ, ундай дема. Менинг Райдаги ўлимим унга нимага керак?

— Керак? Сиз тирик экансиз, Хуросон ва Самарқанд тахти доим хатар остида бўлади!

— Қўйсанг-чи, керак бўлса у мени аллақачон ўлдирарди. Унинг менда катта хусумати бўлса, менга шунча амирлару ўн минг суворийни бериб нима қиларди?

— Ниқоб бу, ниқоб! Афкор оммага ўзини олижаноб қилиб кўрсатмоқчи бўлган!

— Йўқ, Шодиям! Мен Исфаҳонда қовун едим, кетидан ҳеч нарса емадим, балки сув ичгандирман, ичган бўлсам... Балки шундан ичимда бир бузилиш юз бергандир.

— Сизга кимдир бир нима берган! Берган!!!

— Ўзингни бос. Оғир бўл. Банданинг ҳоли бу! Эртага нима бўлишини билмайди одам. Тану жон омонат. Молдунё омонат. Тожу тахт омонат.

Одамлар дер эдиларким,
бу дунё бебаҳо дунё,
Одамлар ўзларин алдар,
бу дунё бевафо дунё,

Нетиб кирган эса қўлга,
кетар қўлдан яна шуйтиб,
Бўлурми сўз ила айтиб:
бу дунё бебақо дунё.

Анга ҳаргиз сиҳат бергум,
дея овворалар бўлма,
Теран оғриқлари мангу,
бу дунё бедаво дунё.

Ҳукмдорлик йўли бирлан
ани ислоҳ этар бўлсам,
Бошимга урдилар тўқмоқ,
бу дунё бир бало дунё.
Наҳот олис уфқлардан
қуёшим чиқмагай балқиб?!
Умидинг пуч, Халил Султон,
бу дунё бесафо дунё.

Мен кетаман, Шодиям. Энди ҳисоб-китоблар қиёматга қолди. Сенга васият шулки, қизимиз Ҳуснинигорни Улуғбек Мирзонинг ихтиёрига топширгайсан. Мендан рози бўл, азизам.

Шод Мулк "йўқ", "йўқ" деганча ёшли юзларини чангаллаб ташқарига отилди.

Аё Раббим, қаю айбим учун
келган фиғондир бу?
Аё Раббим, аёв билмас,
нечук золим замондир бу?

Ичимда муз каби еллар
эсарки бетиним ҳар ён,
Тушунмам ман ани асло:
қандайин қатра қондир бу?

Раҳм қилғил, халилимни
ўзимга қолдир, эй Раббим,
Кўзимда мўлдироқ ёшлар
оқар дарё равондир бу.

Агарки сен халилингни олар
бўлсанг халилангдан
Керакмас бу ҳаёт менга,
мудом ортиқча жондир бу.

1411 йилнинг 3 ноябрида Халил Султон оламдан кўз юмди. Кейин ШодМулкнинг: "Мен жудолигингни тотиб сендан сўнг яшагим келмас!" деган фарёди оламни тутди.

Тўзим, бардош тугаб битди—
бу дунёда осойиш йўқ,
Яшаб бўлдим манам энди —
баҳору ёз, кузу қиш йўқ.

Фалак манга азоб берди —
заҳар-заққум экан қисмат,
Мазалардан одо бўлдим,
пешонамда оройиш йўқ.

Ягона дурри зотимни юлиб
кетди, олиб кетди,
Қуёшимни олиб кетган
фалакда менга ройиш йўқ.

Бу ер аблаҳ одамларнинг,
разилларнинг маконидур,
Яшангиз сиз, мунофиқлар,
биза энди қилар иш йўқ.

Халил, яхши томонларга
кетарсанми мени ташлаб,
Манам санга етай, шошма,
ўлим роҳида тойиш йўқ.

Шод Мулк бир ханжар олиб кўкрагига қўйди ва бор кучи билан унга таяндики, ханжар унинг орқасидан тешиб чиқди.

Икковларини бир қабрга дафн қилдилар.

* * *

Самарқанднинг ўрталиқ бозорида икки дўст— бири баззоз, бири аттор— учрашиб, у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб қолдилар.

— Эшитдингми, Халил Султон ўлибди-я,— деди баззоз.

— Эшитдим, бутун бозорда дув-дув фақат шу гап. Шод Мулк икковини бир ерга берибдилар,— деди аттор.

— Э, бу кўҳна олам бир меҳмонхона... Ер сира тўймайди...

— Бу, дейман, ҳазрат соҳибқирон Шод Мулкни саройдан четлатишни буюриб эди. Масаланинг бир томонини ўйлаган экан-да, Кабутар лочинлар орасида яшаса зиёни тегади, шекилли. Ҳеч нимaнинг, бир асоси бўлмаса, содир бўлиши даргумон.

— Ҳа, албатта. Улуғ амирнинг васиятларида бир сир бўлганки, биз, қора фуқаро омилар, бунинг фарқига етмаймиз,— деди баззоз.

Тақдир эса, одамларнинг хулқ-атвори ва қилмишларига қараб, ўз ҳукмини юргазишда давом этар эди.

(Тамом).

СИЗ-ЛА ШУКУҲЛИ ОЛАМ!

Қачон, қаердаман, хаёлларимни
Йиғиб олмоқликка бермайсиз имкон.
Қалбимни ёритган озорсиз нурсиз,
Шу нур-ла ҳаётим, йўлим нурафшон.

Бир-бирин қидирган, соғинган йўллар,
Ер куррасин ушлаб туради бутун.
Сиз борсиз азизим, шукуҳли олам,
Жаннатий ифордан юрагим гулгун.

Сизсиз яшамоқлик жонимни ўртар,
Юрагим лиммо-лим тўлиқдир оҳга.
Не бахтки, азизим бир оз термулай,
Барча соғинчимни йиғдим нигоҳга.

Излай-излай толар, йўқотар кучин,
Нигоҳларим сиз томон отилган занжир.
Ногаҳон сезарсизми очиқ учин,
Бир учи маҳкамдир, юрагимдадир.

Олия ПЎЛАТОВА,
Хатирчи туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

МЕН СЕНИ СЕВАМАН, ҲАЁТ

Шалола шошилиб пастга югурар,
Қўл силкиб қолади мағрур чўққилар.
Шу шалола янглиғ югургим келар —
Мен сени севаман, севаман, ҳаёт!

Қалдирғоч мисоли учгим келади,
Мовий кенгликларни қучгим келади.
Шаробингдан тўйиб ичгим келади,
Мен сени севаман, севаман, ҳаёт!

Эҳ ҳаёт, нақадар ширинсан бунча,
Сен дея яшайман, юрак ургунча.
Боғларингда бевақт сўнмасин ғунча —
Мени сени севаман, севаман, ҳаёт!

КЎЗЛАР

Ўртамизда сўз йўқ, кўзлар бор,
Кўзлар бахтни топиб келади.
Ўртамизда сўз йўқ, дўстлар бор,
"Дўстлар" гапни ташиб келади.

Мен биламан, сиз ҳам биласиз
Дилда кечган сиру савдони,
Мен биламан, сиз ҳам биласиз
Кўзлардаги сирли маънони.

Мен ўтаман, сиз ҳам ўтасиз
Эргаштириб ортдан карвонни.
Бу йўлакдан ўтмайди ҳеч ким,
Ўтар бўлса куяр товони.
Ўртамизда сўз йўқ, кўзлар бор...

Шоира ҚОЗОҚОВА,
Жиззах шаҳридаги 19-мактаб ўқитувчиси

УКАМ ХОТИРАСИ

Куз... ёғади бирда ёмғир, бирда қор,
Осмонига учиб кетди оққушим.
Изтиробда қалбим чекар оҳу зор,
Дил қувончи гўё кўрган бир тушим...

Кетган борки, сира ортга қайтган йўқ,
Оққушлар-чи, қайтади ўз кўлига.
Сен гўёки мангуликка учган ўқ—
Ҳаётингни бериб ажал қўлига.

Бўлди сенинг қисматинг бир армоним,
Мўралаган кўзим, қишим сен доим.
Хотирамда яшарсан бор то жоним,
Қанча умр берса менга худойим.

Жалолиддин ҲАСАНБОЕВ,
ТДПУ профессори

АЗИЗ ОДАМЛАР

Шеърга солдим муҳаббат васфин,
Етиб келди биз кутган дамлар.
Қўшиқ қилиб кўнглимда борин,
Сизга айтгум, азиз одамлар!

Сенга бахтлар тиларман, сингил,
Тўкилмасин кўзингдан намлар.
Пок ниятни йўллайди кўнгил,
Бор бўлингиз, азиз одамлар!

Кўзларингда ўт ёнар, ўғлон,
Сени ўйлар зебо санамлар.
Сизлар учун куйларман бу он,
Севгида бахт топинг, одамлар!

Диллардаги муҳаббат мисол,
Кашф этилсин сирли оламлар.
Насиб бўлсин, сизларга висол,
Завол кўрманг, азиз одамлар!

Абдуқодир ҚАЮМОВ

ТАБИАТ ҚОНУНИ

Баробар баҳраманд бўлсин деб жаҳон,
Аямай нурини сочади қуёш.
Лек ўсар бир ёнда гулу лолалар,
Бир ёнда тиканак кўтаради бош.

Табиатнинг ишлари жуда ҳам ғалат,
Ёнма-ён ўсади гул билан янтоқ,
Агарким шундайин бўлмаса эрди,
Гулнинг гўзаллиги сезилмас мутлоқ.

Илонхўр бургутни отиб бўлмайди,
Чўлларга сиғмайди судралган жонвор.
Улғайса бўларди каттакон товуқ,
Жўжани калҳатдан қутқар деб, ёлвор.

Ўрмон санамлари—оҳулар қочар,
Жонзотлар подшоҳи—Арслондан, Шердан,
Шундайин овлар бор, ўзи асрасин,
Инсонни нишонга олган инсондан.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА,
нафақадаги ўқитувчи

АЁЛЛАР БОР ЭКАН...

Аёлда меҳр бор, аёлда сеҳр,
Аёлу қуёшнинг ўхшашлиги бир.
Эркакнинг ғурурла юришларига,
Сабабчи бокира, мунис аёлдир.

Аёлда сабр бор, аёлда тоқат,
Аёл-ла мунаввар бу дунё фақат.
Аёл уй кўркидир, фариштасидир,
Аёл бу қувончдир, адо бўлмас бахт.

Аёлда ҳаё бор, аёл муҳтарам,
Аёлда садоқат, вафо жамулжам.
Аёллар бор экан, яшаймиз, биз ҳам,
Аёллар бор экан, мангудир олам.

ТЎРТЛИКЛАР

Ақлимиз ақлини кемирди бу май,
Йигитлик даврини емирди бу май.
Ичдигу гердайдик, зўр бўлдик ҳай-ҳай,
Айтинг, ўзи бизга не берди бу май.

Дўст агар дўст бўлса вафоли бўлсин,
Ҳасаддан, ғараздан у холи бўлсин.
Гул бўлса чарақлаб турсин чаманда,
Тенги йўқ энг олий баҳоли бўлсин.

Шоқосим АНДОҚИЙ,
Каттақўрғон туманидаги 83-мактаб ўқитувчиси

БАХТ ШИРИН

Бахт ширин, бахтлар ширин,
Бекалик вақтлар ширин.
Вафою аҳдлар ширин,
Ҳақиқий шаҳдлар ширин.

Оналик вақти суюк,
Эркакнинг шаҳди буюк.
Армонлар бўлмасин юк,
Бахт ширин, бахтлар ширин.

Хон бўлсангиз — тахт қуллуқ,
Аёл учун бахт улуғ.
Ҳаёт завқларга тўлиқ,
Яшамоқ бахти ширин.

Инсон ҳаёти ширин,
Ишқу баёти ширин.
Азиз Ватан қўйнида,
Ўтган ҳар ёди ширин.

Бир ширин, фарзанд ширин,
Англагин бахтнинг сирин,
Қўллаб юрса бир-бирин—
Дўст деган нақдлар ширин,
...бахт ширин, болдан ширин!

Мукамбар АЗИМОВА,
халқ таълими аълочиси

ШАҲРИСАБЗЛИК САОДАТ ОПАГА

Кузнинг кунларида кўкат изладим,
Яхшилик аталган бекат изладим.
Содда дил юракка бир хат изладим,
Оналар пойига жонларим ҳалак.

Яхши сўз аталгай гўзаллик доим,
Дардингизга даво берсин худойим,
Фарзандлар камолин
кўринг илойим—,
Ўзбек аёлига айтилган тилак.

Дунё пойида бир сўзларингиз бор,
Жаҳон ҳавас қилган изларингиз бор,
Нилуфардай тоза қизларингиз бор,
Мен яна не дердим шу сўздан бўлак.

Бурҳон МУҲАММАД
Чироқчи тумани

Ko'ngil bitiklari

ГУЛ СОЧГАН ДУНЁ

Муаллим акам хонадонида 20 йил кутилган фарзанд Муроджонга

Худди куй чалгандек, қўшиқ айтгандек.
Уйингизнинг ўртасида туради бешик,
Мўъжиза яралган каби хонада,
Тинимсиз меҳмонлар чертади эшик.

Юрагингиз баҳор атрини,
Сочганлиги рост бўлсин, ака,
Армон кетиб, қувончлар эшик
Очганлиги рост бўлсин, ака.

Чидадингиз, сабр қилдингиз,
Худо синов берганларида,
Энди ширин шароб ичдингиз
Сизга гуллар терганларида.

Мен гул сочган дунёни кўрдим.
Сочимгача кўмилиб бахтга,
Художонга шукрона, дедим,
Чиқазган-чун бизни шу тахтга.

Зарбуви АЛҚАРОВА

ТЎРТЛИКЛАР

Узоқлардан эшилиб келур бир наво
Куну тунларимни қилур беором
Чексиз дардларимга ахтариб даво
Беором дамлардан оламан ором.

Дунёда энг азиз муносиб сўз-чун
Уйқусиз тунларни кунга уладим.
Ҳаётнинг маъноси бўлмиш бахт куйин
Куйлашни бир умр сизга тиладим.

Сиз ўзбек қизлари кийганда шохи
Кўкларга етади йигитлар оҳи.
Атласга бурканиб ўтиб қоласиз,
Уларнинг қалбига ўтлар соласиз.

Комилжон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Хазорасп тумани

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Гўзал, ишқим тавоб этдинг, тавобинг ичра мен борман,
Майин зам-зам туроб этдинг, туробинг ичра мен борман,
Қониб ичмоқ савоб этдинг, савобинг ичра мен борман,
Бу ишқ сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,
Ўқурман деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Варақ очсанг, баён ҳажру хати ҳижрон таваллолар,
Кўзу қошинг қаросини ёзар ошиқ қалам ё лар,
Таажжубким, десам ё син, ёзар оят муаммолар,
Ярашгайдур, ажаб, сенга ажаб нозу таманнолар,
Кетурман, деб шитоб этдинг, шитобинг ичра мен борман.

Нечун, Аҳмад ёқиб ўтда, синар менда гилу обин,
Қуёш лойим ками бордай қуяр бошдан Нилу обин,
Шароб-майга косам тўлмай, сўраб эрдим сулув тобин,
Юзинг ҳажри билан оққан лаболаб чашми селобин,
Ичурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра мен борман.

Аё, кўнгил узар бўлсам, хаёлим, тушдасин узгум,
Шафақ ўчсам, хиромон гул наформон, пуштдасин узгум,
Ўтиб шайтон, қувилсам ҳам, гули беҳиштдасин узгум,
Умид узгил, дединг, ошиқ, муҳаббат риштасин узгум,
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен борман.

Соғинмасму севар кўнгил дилором мушкини, эй, ёр,
Ўн икки ойида йўқ эсламоқдан бўш куни, эй, ёр,
Мурод етган битур тошга Жаҳондек ишқини, эй, ёр,
Қаён қолди ўшал сўзким муҳаббат кўшкини, эй, ёр,
Тузурман, деб сароб этдинг, саробинг ичра мен борман.

Нигоро зор, мақом этсам қаландар—рутбаи ишқни,
Нетай, соғлар кулар бўлди, менингдек телбаи ишқни,
Бино қўйсам, этар ҳақсиз, тузатмай қиблаи ишқни,
Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил кулбаи ишқни—
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра мен борман.

Севар мўмин каломини, эли насрон қучар салбин,
Хижолат ҳақ ёнар ошиқ, ҳақиқат йўл тутиб ёлқин,
Ҳамид йўлда, пир-устоз дер, адаб мулкин жўмард Алпин,
Муҳаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг қалбин,
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен борман.

Абдулҳамид ЮСУПОВ,
Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди

ҚУНДУЗДА ЖАНГЛАР БОШЛАНДИ

Куни кеча генерал Дўстум ва «Толибон» ҳаракати етакчилари ўртасида шаҳарни жангсиз топширишга келишиб олинган бўлса-да, бугун толиблар бу фикрларидан қайтдилар.

Шу боис Шимолий Иттифоқ Қундузни қамал қилиб, шаҳарнинг Хонобод туманидан ҳужумни бошладилар. Шунингдек, АҚШ ҳаво кучлари ҳам шаҳарга бомба ташламоқда. Қундуздан паноҳ топганлар орасида 10 мингга яқин Покистон, Чеченистон ва араб давлатларидан келган ёлланма жангарилар ҳам бўлиб, толиблар ўзларини мудофаа этишда асосан миномётлардан фойдаланмоқдалар.



КЕЛИШУВНИ БУЗГАН ҚЎМОНДОН

Қобул яқинидаги Майдон Шор қишлоғида эса Иттифоқчиларга қарашли танклар тоғли ҳудудларни ўққа тутдилар. Аксилтолибончиларнинг айтишларича, бу ерда 600-700 атрофидаги толиблар ҳамда 400 га яқин хорижий жангчилар яширинганлар. Би-Би-Си мухбирининг фикрича, ушбу ҳудудни назорат қилган дала қўмондони Ғулом Муҳаммадга Шимолий Иттифоқчилар ўз тарафларига ўтиши учун 200 минг АҚШ доллари беришган. Бироқ, пулни олган Муҳаммад келишувга амал қилмасдан яна тоғда қолаверган экан.

ТАЖРИБА ДОИМ АСҚОТАДИ

Ўзбек ҳуқуқшунослари Швейцариянинг Интерлакин шаҳрида ҳарбий жиноятлар бўйича тергов олиб бориш жараёнига бағишланган анжуманда иштирок этдилар.

НАТО, Швейцария ташқи ишлар вазирлиги ва YAPC/TPST халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда 20 дан ортиқ мамлакатларнинг ҳарбий ҳуқуқшунослари қатнашдилар.

Унда сўнгги йилларда ҳарбий жиноят ҳисобланган терроризм, геноцид, тажовузкорлик, урушни тарғиб қилишларни таг-томири билан тугатиш масаласи тобора долзарблик касб этаётгани қайд этилди.

Шунингдек, анжуманда таъкидланишича, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркини поймол қилишга қаратилган ҳарбий жиноятлар инсониятга жиддий таҳдид солмоқда, шунинг учун унга қарши курашиш бутун тинчликсевар кучларнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Сўнгги йилларда халқаро терроризм билан боғлиқ жиноятлар сонининг ошиши ва унинг ўз шаклини тез-тез ўзгартириши унга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини янада мукаммаллаштиришга мажбур этмоқда.

Анжуманда ҳарбий ҳуқуқшунослар ўзаро фикр алмашдилар ва мазкур йўналишда бир-бирларининг тажрибаларини ўргандилар.

ОЛТИН КОНИДА ФОЖЕА

«Асошиэйтед-Пресс» агентлиги хабарига кўра, Колумбия пойтахти Богота шаҳридан 300 километр узоқликда жойлашган олтин конида ўпирилиш юз бериши туфайли курбон бўлганлар сони 40 нафарга етди. Фожеага ушбу ҳудудда сўнгги вақтда кўп ёмғир ёғиши сабаб бўлган. Ҳукумат расмий вакилларининг айтишларича, ўпирилиш вақтида 20 га яқин ноқонуний ишлаётганлар ҳам бўлган. Афсуски, уларнинг кўпчилигини тақдирлари ҳозирча номаълум.

ФИЗИОЛОГИЯГА ҚАНДАЙ АСОС СОЛИНГАН?

Nobel mukofoti sohiblari

Буюк олимлар ҳақидаги ҳикоямизни тиббиёт соҳасида ўчмас из қолдирган инсон, физиолог-олим Иван Петрович Павлов ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан давом эттирамиз.

И.П.Павлов 1849 йил 26 сентябрь куни Россиянинг Рязан шаҳрида руҳонийлар оиласида дунёга келди.

Ота-онасининг истаги билан Павлов аввалига диний семинар курсига қатнади, сўнгра 1860 йилда Рязандаги диний билим юртига ўқишга кирди. У бу ерда ўзи қизиққан фанларни, айниқса, табиий фанларни чуқурроқ ўрганишга астойдил киришди. Турли семинар ва мунозараларда бўлиб ўтадиган илмий мунозара ҳамда баҳсларда ўз мулоҳазалари билан тез-тез қатнаша бошлади.

Англиялик таниқли олим Георг Леви асарларидан бирининг рус тилига ағдарилган вариантини ўқиб чиққан И.П.Павловда физиологияга бўлган қизиқиш янада ортди. Бу қизиқиш эса Чарльз Дарвин назарияларини ўрганишга туртки бўлди.

1870 йили Иван Павлов Петербург университетининг физика-математика факультети табиий фанлар бўлимига ўқишга кирди. Физиологияга бўлган унинг қизиқиши И.Сеченовнинг "Бош мия рефлекслари" асари билан танишгач янада ортди ва у ўзига илм борасида аниқ йўл танлади. Таниқли олим И.Цион рахбарлик қилган лабораторияда тажриба орттирган И.Павлов айнан шу ерда ўзининг дастлабки илмий тажрибаларини ўтказа бошлади. Ошқозоности безларининг фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ илмий ишлари учун И.Павлов ўз ҳамкасби М.Афанасьев билан бирга Петербург университети олтин медалига сазовор бўлди. 1875 йили у фан номзоди илмий даражасига эришди. Унинг илмий рахбари ва биринчи устози И.Ционнинг Россия ҳукумати томонидан тазйиққа олинишидан сўнг, устозининг бу давлатдан чиқиб кетиши ёш олим режалаштирган ишларни амалга оширишга қарши қаттиқ зарба бўлди.

1877 йилгача Петербургдаги ветеринария институтида ассистент лавозимида фаолият кўрсатган И. Павлов қон айланиши ва овқат хазм қилиш соҳасидаги ўз илмий изланишларини Олмониядаги Бреслау шаҳрида фаолият кўрсатаётган таниқли олим Рудолф Гейденгайн раҳбарлигида давом эттирди.

Маълумки, Р. Гейденгайн овқат ҳазм қилишда асаб тизимининг таъсирини ўрганиш соҳасидаги йирик мутахассис ҳисобланади. Орадан бир йил ўтгач эса И. Павлов шу шаҳарда ўз клиникасини ташкил этган С.Боткиннинг таклифи билан у ерга ишга ўтади ва физиология ҳамда фармокология соҳасида олиб борилаётган барча илмий ишларга раҳбарлик қила бошлайди.

1883 йили шу ерда тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация мавзуси юрак фаолиятини назорат қиладиган асаб тизимининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган эди.

И. Павловнинг ижодий фаолиятидаги энг юқори ютуқлар 1880-йилларга тўғри келади. Бу йиллари у овқатни ҳазм қилиш физиологияси билан шуғулланмоқда эди. Бу соҳада у 20 йилдан ортиқ илмий тажрибалар олиб борди ва у олган натижаларни бутун дунё олимлари тан олди. 1891 йилдан бошлаб ҳарбий-тиббиёт академиясида физиологик тадқиқотларга раҳбарлик қилиш билан бирга ўзи ташкил этган тиббиёт-экспериментал институтидаги физиология бўлимига ҳам бошчилик қила бошлади. Маълумки, Иван Павлов ёшлигидан отаси каби чапақай эди. Лекин у иккала қўли билан ҳам бир ҳил ишлай олар эди. Шу сабабли ҳам операция жараёнида унга ассистентлик қиладиган ёрдамчиларидан жуда катта хушёрлик талаб қилинар эди.

Бундан ташқари Иван Петрович ўз шогирдлари ва ходимларига нисбатан жуда талабчан эди. У ўз ҳамкасблари билан бир қатор даволашнинг янги усулларини яратди ва улар асосида сўлак безлари, ошқозон, ошқозоности безлари ва жигар томонидан ошқозонга келиб тушадиган озуқани парчалаш билан уларни оқсил, ёғ ва углеводларга ажратиб беришга омил бўладиган моддаларни етказиб берилишини кўрсатиб бердилар. Бир қатор овқат ҳазм бўлишига омил бўладиган ферментлар ажратиб олишга эришилгач, И. Павлов уларнинг ўзаро таъсирлашувларини ўрганишга киришди.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар зое кетмади. 1904 йили унга "Овқат ҳазм қилиш физиологиясини ўрганиш соҳасидаги буюк хизматлари учун" тиббиёт ва физиология соҳасидаги Нобель мукофоти берилди.

Бутун умри давомида Иван Павлов асаб тизимларининг организм ички органлари фаолиятига таъсирини ўрганишга қизиқиб келди. XX аср бошларида овқат ҳазм қилиш тизимини ўрганиш бўйича тажрибалардан олинган натижалар шартли рефлексларни ўрганишга олиб келди. Агар итнинг оғзига овқат берилса, унда рефлектив равишда сўлак ажралиб чиқа бошлайди. Шу ит овқатни кўрганда ҳам автоматик равишда сўлак ажратиш юз беради, лекин бу ҳолда рефлекс доимийлиги аввалги ҳолдалигича эмас ва қўшимча фактор ҳисобланган очлик ёки тўқлик ҳолатларига боғлиқ бўлади. Олинган натижалар асосида И. Павлов "бу янги рефлекс доимий ўзгариб туради ва шунинг учун ҳам у шартли ҳисобланади" деган фикрга келди. Шундай қилиб, фақат овқатнинг тури ёки ҳиди сўлак ҳосил бўлишида сигнал вазифасини ўтайди. У бу соҳада ҳам оламшумул таълимот яратди ва бу таълимот ҳозирги кунгача ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда.

И.П.Павлов бўш вақтларида боғбонлик қилган ва тарихий китобларни ўқишни хуш кўрган. Ўз ишининг фидоийси бўлган олимнинг мавқеи ва обрўйи жуда баланд эди. Ҳатто XX аср бошида Россияда бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар ҳам И.П. Павловнинг илмий фаолиятига таъсир қилмаган.

У 1881 йили оддий ўқитувчи Серафима Карчевскаяга уйланган. Уларнинг оиласида тўрт ўғил ва бир қиз туғилган.

Кўп ажойиб фазилатлар соҳиби ва бетакрор тиббиётчи олим Иван Петрович Павлов 1936 йили 27 феврал куни 87 ёшида Санкт-Петербургда вафот этди.

Нобель мукофотидан ташқари у яна Франция фахрий легиони ордени, Лондон Қироллик жамиятининг Копли медали ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган.

Иброҳим КАРИМОВ,
физика-математика фанлари доктори,
Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди

КОНТИНГЕНТ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

БМТнинг Афғонистондаги вакилининг ўринбосари Франческ Вендрелл Исломободда Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро билан ўтказган учрашуви чоғида, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун Афғонистонга полиция кучларидан иборат халқаро контингент жойлаштириш лозимлигини айтди. Унинг фикрича, Қобулдаги вазият у қадар яхши эмас. Чунки, аксилтолибончи қуролли гуруҳлар, шунингдек, этник гуруҳлар орасида бир-бирига ишончсизлик бор. Афтидан ҳазорлар пойтахтни тожиклар назорат этаётганлигидан норози. Шу сабаб БМТнинг Германияда ўтадиган Афғон форумини кечиктириш ярамайди.

ҲАММА ИШЛАР ТЕКШИРИЛАДИ

Халқаро Гаага трибунали бош прокурори Карла дель Понте Македонияга ташрифи чоғида бу мамлакатда амалга оширилган ҳарбий жиноятлар бўйича иккита алоҳида тергов жараёни бошланганлигини маълум қилди. Прокурорнинг фикрича, уларнинг бири албан жангарилари устидан бўлса, иккинчиси Македония ҳукумати аскарлари устидан қўзғатилган.

Тетевода эса Европа Иттифоқининг кузатув ишлари олиб бориладиган бинода бомба портлади. Жабрланганлар йўқ. Лекин, ушбу жиноят жавобгарлигини ҳозирча ҳеч ким ўз зиммасига олмаяпти.

МОСКВА САФАРИ ТУГАДИ

Кеча НАТО Бош котиби Жорж Робертсоннинг Москвага уюштирган уч кунлик сафари ниҳоясига етди, дея хабар беради «Новости» ахборот маҳкамаси. Робертсоннинг Россия президенти Владимир Путин ҳамда бошқа юқори мартабали ҳукумат вакиллари билан ўтказган музокаралари чоғида асосий эътибор Россия ва НАТО муносабатларининг янгича кўриниш олишига қаратилди. Келгусида расмий Москва Шимолий Атлантика Ҳарбий Блокининг қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишида ўзига хос ўрин тутиши мумкин.

Саҳнада ўлим воқеаси бўлса, актёр ҳақиқий «ўлиб», маълум бир пайтгача нафас ҳам олмаслиги керак. Ушанда томошабин «Вуй, ўлиб қолди-я» деб таъсирланади. Уни алдамаётганимизни, ҳақиқатдан ҳам ҳаётда шундай бўлиши мумкинлигини тушунади.

«ДИЛХИРОЖ» СУРАТГА ОЛИНДИ

«Ўзбекфильм» ижодкорларининг ижодий изланишлари ҳақида баҳоли қудрат таништириб боришни давом этамиз.

Шу кунларда Юсуф Розиқов яна бир ажойиб фильмни суратга олиш ишларини якунлади. «Дилхирож» деб номланган ушбу фильмнинг сценарийсини режиссёр Ю. Розиқов ёзувчи Эркин Аъзам билан биргаликда ёзган.

Ю.Розиқовнинг «Аёллар салтанати», «Воиз» фильмларининг халқаро танловларда қатнашиб, совринли ўринларга эга бўлганлигидан хабарингиз бор. Экранларда катта муваффақият билан намойиш этилган «Сардор», «Остона» видеофильмлари ҳам режиссёрнинг сценарийси асосида суратга олинган.

«Дилхирож» фильми Бойсун тоғларида суратга олинган. Унинг мазмуни ўзига хос ва қаҳрамонлар ҳис-туйғулари, фикр-ўйлари ҳам янгича бир йўналишда очиб берилган.

Қаҳрамонлар Тоштемир ва Санам образларини истеъдодли ёшлар—актёр Алишер Ҳамроев ва хонанда Севинч Мўминовалар ижро этишган.

«Дилхирож» эркаклар рақси. Бу фильмда мазкур рақс бир неча бор ижро этилади. Санам ва Тоштемирнинг муҳаббати қўшиқ бўлиб янграйди. «Дилхирож» ҳам инсоний туйғулар, муҳаббатнинг адоғи йўқ ҳижронлари, синовлари ҳақидадир.

Бу фильмда Тўти Юсупова, Фотиҳ Жалолов, Лола Элтоева каби бир қатор таниқли актёрлар ҳам турли-туман образларни талқин этишган.

«ҚОВОҚВОЙ»НИ СЕВИБ ЎЙНАЙМАН

Ёш томошабинлар театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдусамат Жўрабоев билан театр биносида учрашдик. Ўзимни таништириб, мақсадимни баён айлагач, у киши «Биринчи саволингиз албатта, «санъатга қандай кириб келгансиз, ёки санъаткор бўлишингизга нима сабабчи бўлган» деган сўзлар бўлса керак-а?» деб сўраб қолдилар. Мен эса «Келинг, Сизга сал бошқачароқ саволлар бериб, суҳбатимизни олиб борамиз», деган таклифни киритдим.

Абдусамат Жўрабоев йигирма етти йилдан буён мана шу даргоҳда хизмат қилиб келмоқда. Унинг бу театрга ишга келиши ҳам бир бахтли тасодиф туфайли бўлган.

Ушанда Абдусамат Жўрабоевларнинг курси, яъни битирувчи талабалар иккита диплом иши тайёрлашганди. Бири В.Розовнинг «Оқ йўл» спектакли бўлса, бири Юсуфзода қаламига мансуб бўлган «Насриддиннинг саргузаштлари» томошаси эди. А.Жўрабоев «Оқ йўл»да бош қаҳрамон образини талқин қилган, иккинчи спектаклда «Масхарабоз» ролини маромига етказиб ўйнаганди. Мана шу диплом иши кўригига Ёш томошабинлар театри директори, бош режиссёри ҳам ташриф буюрган эдилар. Улар талабалар ижросини кўриб, мана шу спектаклларда рол ижро этган бўлажак санъаткорларнинг барчасини театрда ишлаш учун таклиф қиладилар.



Бугун ана шу таклиф этилганларнинг барчаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, эл назарига тушган, ёш томошабинларнинг, болажонларнинг севимли кишисига айланган санъаткорлар Ё.Зиёмуҳамедова, И.Абдуллаев, Х.Абдуллаев, Ш.Мансурова ва А.Жўрабоевдир.

—Абдусамат ака, кўпчилик ёш томошабинлар театри актёрларига осон, улар бўриними ёки қуённими саҳнада яратиб қўйишади-да, юраверишади. Улар ўз ишига масъулият билан қарамаса ҳам бўлади, деб ҳисоблашади.

—Йўқ, ундай эмас. Бизнинг театримиз томошабини саҳнадаги воқеани ҳаёт деб ўйлайди ва у кўрган нарсасини бир умр хотирасида сақлаб қолади. Ёш томошабинлар театри актёри барча ролларни ростдан ўйнаши керак. Чин дилдан кулиши, юракдан йиғлаши лозим. Чунки, болалар жуда зийрак бўлади, улар сохталикни ёқтиришмайди. Уларнинг ишончига путур етдими, кейин ўша ишончни тиклаб бўлмайди. Саҳнада ўлим воқеаси бўлса, актёр ҳақиқий «ўлиб», маълум бир пайтгача нафас ҳам олмаслиги керак. Ушанда томошабин «Вуй, ўлиб қолди-я» деб таъсирланади. Уни алдамаётганимизни, ҳақиқатдан ҳам ҳаётда шундай бўлиши мумкинлигини тушунади.

Сизга бир воқеани айтиб берай. Бир спектаклда «ўлишим» керак эди. Мен йиқилдим ва қўлларимни икки томонга чўзиб ётдим. Шу пайт олдимдан кимдир ўтиши керак эди. Қўлимни эзиб олмасин, деб тортиб олдим. Шунда залдаги болалар «Вой, ўлмаган экан, ана-ана қўлини тортиб олди» дея бошлашди. Бироз аввал менга ачиниб, ҳатто йиғлаб олган болалар энди менга масхараомуз қарай бошладилар. Ва мен ўшанда хато қилганимни тушундим. Албатта, бу хато катта сабоқ бўлди, мен ўз ишимга яна ҳам масъулият билан қарашни ўргандим.

—Укаларим, кичкинтой жиянчаларим, қўшни болалар Сизни телевизорда кўриб қолсалар, ана «Қовоқвой» чиқди, деб хурсанд бўлиб кетишади. Мана шу образнинг яратилиши қандай кечган?

—Тўғри, кўпчилик отимни билмаслиги мумкин, лекин «Қовоқвой» десангиз, дарров эслашади. Фаолиятим давомида 200 дан ортиқ катта-кичик роллар ижро этдим. Уларнинг орасида Қовоқвой жуда бошқача чиққан, ўзим ҳам саҳнада шу образни мириқиб ўйнайман. 1979 йилда устозим, раҳматли Воҳид Қодиров шу ролни менга топширдилар. Мен Воҳид акага қараб «бу ролни қандай ўйнайман. Ахир қовоқ жонсиз нарса бўлса, унинг хатти-харакатлари бўлмаса. Бўри ёки арслон образини топширсангиз бошқа гап, ҳайвонот боғига бораман-да, ҳайвонларни бир-икки кун кузатиб, улардан баъзи нарсаларни ўрганиб, ўша образни саҳнада ярата оламан. Лекин...» десам, Воҳид Қодиров «Сен бозорга бор. Қовоқларни тўкиб ташлашган. Ўшаларни томоша қил» дедилар. Мен бозорга бордим, қовоқларга беш-олти соат термулиб ўтирдим. Улар на қимирлади, на бирор оғиз гап гапирди. Шунда билдимки, мен яратаётган образ ялқов, ишёқмас, тепса-тебранмас, ўқишни, ҳунар ўрганишни хоҳламайдиган бола бўлиши керак экан. Саҳнада лапанглаб юрганман. Бу ҳам дангасаликнинг бир белгиси, инжиқлик қилганман. Хуллас, қовоқ тимсолида дангаса, эркатой бола образини очиб берганман.

Бу спектакл бугунги кунда саҳнамизда қўйилаётгани йўқ. Лекин «Оқшом эртаклари» кўрсатувида «Қовоқвой» бўлиб чиқиб турибман.

—Саҳнада ҳамкорнинг, яъни «партнёр»нинг ўрнини қандай баҳолайсиз? Сиз кўпроқ кимлар билан ҳамкорликда рол ижро этганингизда мазза қиласиз?

—Саҳнада ҳар бир актёр бир-бирини имо-ишораси, хатти-харакати, ҳатто кўз қарашидан ҳам тушуниши керак. Агар бирининг кайфияти ёмон бўлса, бу иккинчи актёрга ҳам «юқади». Ёки аксинча. Бу даргоҳга илк бор кириб келганимизда бизни болам, деб қаршилаган Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов, Манзура Ҳамидова, Воҳид Қодировлар билан бирга турли образлар яратиб, рол ижро этганимда мазза қилар эдим. Чунки уларда туғма актёрлик қобилияти, ҳозиржавоблик, вазиятдан тезда чиқиб кета олиш каби хусусиятлар бор эди. Улар менинг ҳақиқий устозларимдир. Бугунги кунда эса Ёдгора, Исмоил, Ҳабибуллалар билан ҳам мириқиб рол ўйнамоқдаман. Айниқса, Ҳ.Абдуллаев билан бирга, саҳнада, актёрлар тили билан айтганда «чўмилиб» ўйнаймиз. Иккимиз беш дақиқага мўлжалланган саҳналарни керак бўлса 10-15 дақиқага ҳам етказаверамиз. Биз саҳнада бир-биримизни тўлдирамиз.

—Айни кунларда қандай образлар устида ишлаяпсиз?

—Театр жамоаси янги йил байрам дастурига тайёргарлик кўрмоқда. Чунки бу байрам болажонлар орзиқиб кутадиган кун. Театримиз жамоаси «Шелкунчик» спектаклини саҳналаштирмоқда. Ана шу томошада рол ижро этяпман.

—Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МУРОДЖОН қизи суҳбатлашди.

«МИСС КОЛУМБИЯ» ҚОРА ТАНЛИ

Яқинда Колумбияда «Мисс Колумбия» конкурсининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди ва ҳеч ким кутмаган натижа эълон қилинди. Колумбия гўзали деб қора танли қиз Ванесса Алехандра Мендоса топилди. Ушбу гўзаллар танлови, мана, 67 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Аммо бирор марта ҳам қора танли аёл Колумбия маликаси бўлмаганди. Ҳар ўн нафар фуқародан тўрттаси қора танли бўлган бу мамлакатда ҳам бирор марта «Мисс Колумбия» негроид ирқига мансуб бўлмаганлиги барчани ажаблантирарди.

Ҳакамлар Мендосани Колумбиянинг энг чиройли қизи деб топишди. У, миллий конгресс сенатори Пьедад Сордобанинг таъкидлашича, одамлар билан муносабатда ҳам киришимли. Давлатнинг энг катта газеталаридан бири ҳисобланган «El Tiempo» душанба кунги сонида «Биринчи қора қиролича» сарлавҳаси остида мақола берди ва «Мисс Колумбия»нинг АҚШ ва Колумбия президентларининг муҳим учрашувида орқа планда турган суратини илова қилди.

МАДАНИЯТ КИНОФЕСТИВАЛИ

Тўғриси, проффесионал актёрлар фестивали, ҳаваскорлар фестивали, болалар фестивали каби бир қатор киноанжуманлар кўплаб ўтказилмоқда. Бу ҳақда гапириш ҳам унчалик муҳим эмасдек. Бироқ «Жаҳон талабалари куни» муносабати билан бир нарсани гапириб ўтиш жоиз.

Шундай қилиб, куни кеча Москвада Марказий киночилар уйида 21-халқаро талабалар ва дебютантлар кинофестивали иш бошлади. Бу йил мазкур анжуман кинорежиссёр Михаил Роммнинг 100 йиллик тўйига бағишланди. Анжуман шиори ҳам у сўнгги бор суратга олган «Мен барибир ишонаман» фильмининг номи бўлди.

2001 йил фестивал конкурсида Европа, Осиё ва Американинг 22 мамлакатидан ёш киноматографларнинг ишлари қатнашади.

Киноанжуманнинг очилиши «Ударник» кинотеатрининг 70 йиллик тўйи кунида бошланганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

МАЙКЛ ЖЕКСОН «ОСКАР» МУКОФОТИНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ

Майкл Жексон поп-мусиқа қироли эканлигини ҳаммамиз биламиз. Мана, 30 йил бўлдики, у шоу-бизнесда ҳам юқори чўққиларни забт этиб, саҳнадан тушмай келмоқда. Унинг эътироф этишича, у бир умр «Оскар» мукофотининг соҳиби бўлишни орзу қилган экан. Ва бу орзуга етишиш йўлини у топди. М.Жексон ўз қобилияти ва кучини режиссурада синаб кўриш учун канадалик сценарист ва режиссёр Брайан Майкл Столлер билан ҳамкорликда «Фаришта уйи» деб номланган илк фильмини суратга олди.

Фильмда саккиз ёшли болакайнинг Канадага келиб қолиши баён этилади. Режиссёр-дебютантнинг фикрича, болакайнинг бу қайғули тарихи киноакадемикларнинг кўнглини эритиб юборади ва «Оскар» Майкл Жексонники бўлади.

Брайан Майкл Столлер мухбирларга берган интервьюсида, поп-мусиқа қироли, унинг дўсти болаликданоқ дунёдаги энг оммабоп киномукофотни олишни орзу қиларди. Жексон ҳаттоки, «Шамолларда қолган ҳисларим» фильми учун берилган «Оскар»ни 1.5 миллион долларга баҳолаб, сотиб олган.

Майкл Жексон бу олтин ҳайкалчани жуда қадрлайди ва доимо меҳмонхонада, ойна ичида асрайди.

Поп-юлдузнинг орзуси ушаладиганга ўхшайди. «Фаришта уйи» фильми «Оскар»га лойиқ кўрилмаган тақдирда ҳам Америка киноакадемиясининг «Оскар» мукофотини М.Жексон ўзида қолдиради, гарчи у бегона бўлса-да.

ТЕМИР МАЙК — МУҲИМ ЖАНГЛАРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Афсонавий боксчи темир Майк ёдингизда бўлса, охирги жангини октябрь ойида даниялик Брайн Нильсон устидан ғалаба билан якунлаганди. Энди у 2002 йил 19 январда Рэе Мерсерга қарши Атланти Ситида жанг ўтказади. Агарда у ғолиб чиқса, 6 апрель куни Лос-Вегас шаҳрида британиялик Леннокс Льюис билан рингга кўтарилади.

ЕВРОПА БАҲСЛАРИ ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА

Чемпионлар лигасида қатнашаётган Англиянинг "Арсенал" жамоаси Испаниянинг "Депортиво" клуби билан ўтказган учрашувда 0:2 ҳисоби қайд этилди.

Голлар муаллифи Рой Макай ва Диего Тристанлар бўлишди. Бошқа учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди.

«Панатинаикос» (Греция) - «Порто» (Португалия) - 0:0, «Спарта» (Чехия) - «Реал» (Испания) - 2:3, «Ювентус» ҳамда «Байер» ўртасидаги учрашув эса қалин туман тушганлиги учун 28 ноябрь кунига қолдирилди.

ПЕЛЕ: ҲАММАСИ ТУҲМАТ

Жаҳон футболи қироли Пеле Бразилия матбуотида тарқалган асоссиз далиллар юзасидан жиддий текширув ўтказилишига ваъда берди. Боиси, Бразилия матбуотида Буэнос-Айресда дунёнинг футбол юлдузлари иштирокидаги ўтказилган инсонпарварлик матчини уюштиришда кўмаклашганлиги учун 1995 йил БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти Пелега 700 минг доллар берган эмиш.

ХАДЖИ ЎЗ ВАЗИФАСИДА ҚОЛДИ

Руминия футбол федерациясининг маълум қилишича, 2002 йилги жаҳон чемпионатига бориш учун ўтказилган плей-офф баҳсларида миллий терма жамоанинг муваффақиятсиз ўйнаганлигига қарамасдан жамоа бош мураббийи Георгий Хаджи ўз вазифасида қолади. Лекин у "Европа—2004" чемпионати ҳақида жиддий қайғуриши шарт.

ЧЕМПИОНЛИК "КЎЧА МУСОБАҚАСИ"ДАН БОШЛАНАДИ

"Кузги таътил вақтида вилоятимиз туманларининг чекка қишлоқларидаги мактабларда тўгарак ишлари, спорт машғулотлари, жумладан "Умид ниҳоллари" мусобақаларини ўтказиш бўйича яратилган шароитлар ва унинг бориши билан танишиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар йўлга чиқдик. Шаҳардан унча узоқ бўлмаган Хонқа туманига кириб борар эканмиз, мактабдан сал нарироқдаги пахса лойдан қурилган уй ёнида 3 нафар отахоннинг қизғин баҳслашаётгани эътиборимизни тортди.

"Ҳай оқшомки олишувни на дийсан? Назар? Нишатди? Ҳали 2-синф, саники 4-синф. Шахматда диндирдику.Раис бува ҳам қатнашган экан, мукофотлади — бир шахмат, бир тўп билан, мақтабам қўйди, асли бувасси математик бунинг деб".

— Тўғри айтасан Нормамат жўра, бола утизди, лекин "овчи ва ўрдак" уйинида бизники олдит-ку?"

Учинчи отамиз ҳам гапга аралашиб: "Яхшиям шу ўрдак уйини бор акан, тухуминг "ўрдакладан ахир", деб кулишиб туришганида нигоҳлари бизга тушди. — Ассалому алайкум! - саломлашдик улар билан.

Ҳа, умумтаълим мактаблари аро ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари халқни ўзига жалб қила олди ва тобора оммалаша бошлади.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг сентябрь ойидан бошланган мазкур мусобақалар финали бошланғич синф ўқувчилари ўртасида кузги таътил вақти якун топиб, 5 та тур бўйича ғолиблар аниқланди. Ҳомийлар томонидан уларнинг ва таълим муассасаларининг ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириш бугун вилоятдаги кўпгина ташкилот, корхона раҳбарларининг мактабга, спортга бўлган эътиборининг оша бориши десак муболаға эмас. Чунки ёш авлод тарбияси борасида республикамизда олиб борилаётган бугунги сиёсатни, давр талабини илғаб олган раҳбаргина комил инсон тарбиясига ўз ҳиссасини қўша олади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Урганч шаҳри, Қўшкўпир, Гурлан, Хонқа, Шовот туманларида ўтказилган мазкур тадбирлар шулар жумласидандир. Хусусан, Урганч шаҳридан 3-,19-Қўшкўпир туманидан 53-Хонқа туманидан 51-,1-Гурлан туманидан 5-,1-Шовот туманидан 52-,Янгиариқ туманидан 40-,Боғот туманидан 50-,Урганч туманидан 48-,Хива туманидан 59-,Янгибозор туманидан 32-мактаб жамоалари мазкур мусобақаларда фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Баҳслар видеотасвирларга олинди ва маҳаллий

Umid nihollari

телевидениеда намойиш қилинди.

Эндиги вазифалар 5-6-7-синф ўқувчиларининг қишқи таътилда бўладиган финал босқичи ва 8-11-синф ўқувчиларининг туман босқичларини юқори савияда ўтказишдир. Куни кеча вилоят халқ таълими бошқармасининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида мазкур масала юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Зеро, йўлга қўйилган бундай ташкилий ишлар ўзининг ижобий самарасини беради, албатта. Мисол учун вилоят халқ таълими бошқармаси, спорт қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида жорий этилган амалий ҳаракатлар бунинг яққол далилидир. Жойларда услубий методик ёрдамлар уюштириш, қисқа муддатли семинарлар ташкил қилиш, спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича жадваллар тузиш, шарт-шароитлар яратиш, мураббий ва ҳакамлар бириктириш, барча ҳомий ташкилотлар, ота-оналар, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, қолаверса ғолиб ўқувчиларни финалга тайёрлаш бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш шулар жумласидандир.

Юқорида суҳбатлашиб турган уч отахон яна бизни ўзига тортди. Улар кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд, Ватан деб жонини фидо қилган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби ҳам жисмонан, ҳам маънан етук фарзандлар етишиб чиқишига замин ҳозирланаётганлигидан беҳад қувониб гапирадилар. Спорт мусобақаларига бефарқ қарай олмайдилар. Бугун телевизор орқали жаҳон чемпионати намойиш этилса, уни куйиб-пишиб муҳокама этадилар, мамлакатимиздан чиққан жасур, мард ўғлонларнинг ғалабасидан фахрланадилар. Фарзандларини, невараларини, ана шу забардаст акаларига издоши бўлишини орзу қиладилар, қўлларидан келгунча уларга ёрдамлашадилар.

Ҳатто мактабларо бўлаётган мусобақалардан-да қаноат ҳосил қилмай кўчаларда ўзлари мусобақалар ташкил этиб, ўзлари ҳакамлик қиладилар. Биз қайтишда юқорида тилга олган нуронийларимиз ташкил этган кўча мусобақаси устидан чиқиб, бир-икки дақиқа невералар курашини томоша қилдик. Ана шу фарзандларнинг келгусида катта майдонда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишига умид билдириб, шу ишга туртки бўлаётган отахонларга ҳавасимиз келди.

Шундай кўмакчиларимиз бор экан, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақалари 2002 йилда ҳам қизиқарли ва муваффақиятли ўтиши, шубҳасиз.

К.МАТРИЗАЕВ,
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТУРНИРИ 5 ТАГА КЎПАЙДИ

Маълум бўлишича, хотин-қизлар ўртасидаги турнир янги йилдан бошлаб яна бештага кўпайди. Яъни 2002 йил давомида Американинг Мемфис, Саросато, Бельгиянинг Брюссель, Даниянинг Аржус ва Финляндиянинг Хельсинки шаҳарларида WTA турнирлари ўтказилади.

Мукофот жамғармаси 51 миллион долларни ташкил этди. Ўтган 2001 йили эса бу кўрсаткич 50 миллион долларга тенг эди.

ФИНАЛЧИЛАР ТАРКИБИ АНИҚЛАНДИ

Теннис бўйича Дэвис кубоги финал учрашуви олдидан жамоалар ўз таркибларини эълон қилди. Унга кўра 30 ноябрдан 2 декабргача Йоханнесбургда бўлиб ўтадиган учрашувда Австралия шарафини Ллейтон Хьюитт, Патрик Рафтир, Марк Филипписсислар асосий кортда ҳимоя қилса, Франция шарафини Себастян Грожан, Арло Колеман, Никола Эскуде, Фабрис Сонторолар ҳимоя этишади.

УИМБЛДОН ДАРОМАДИ ОШМОҚДА

"Улкан тож" туркумига кирувчи мусобақалардан бири — Уимблдон очиқ биринчилиги мазкур йилда катта даромад келтирди. Мутахассисларнинг фикрича, 2001 йилги мусобақа давомида ташкилотчилар 46 миллион 400 минг доллар фойда кўрган. Бу ўтган йилга нисбатан 1 миллион 300 минг кўп дегани. Бу даромад туфайли 2002 йил мусобақаларининг мукофот жамғармаси яна ошиши кутилмоқда.

РАКЕТКА УСТАЛАРИ РЕЙТИНГИ

Халқаро теннис ташкилоти жаҳон ракетка усталарининг 2001 йил бўйича якуний рейтингини эълон қилди. Унга кўра мавсум сўнгига келиб биринчи ўринга "Мастере Кап" турнири ғолиби 20 ёшли австралиялик теннисчи Ллейтон Хьюитт кўтарилди — 873 очко. Узоқ вақт биринчи ўринни эгаллаб келган бразилиялик Густаво Куэртен эса 771 очко билан иккинчи ўринни банд этди. Учинчи ўрин эса 704 очко жамғарган америкалик Андре Агассига насиб қилди.

СПАРТАКИАДА ЎТКАЗИЛАДИ

Шу йилнинг 1 декабрь куни пойтахтимиздаги республика олимпия ўринбосарлари касб-ҳунар коллежи спорт мажмуасида ногирон спортчилар ўртасида анъанавий спартакиада бўлиб ўтади. Учинчи бор ўтказилаётган ушбу мусобақалар ҳар йили спортнинг 9 тури бўйича ўтказиларди. Бу йилдан бошлаб эса улар 7 тур — футбол, дартс, шоҳмот, шашка, армрестлинг, стол тенниси, ногиронлар аравачаларида пойга бўйича ўзаро баҳслашадилар. Энди эркин кураш ҳамда пауэрлифтинг турлари мусобақага киритилмайди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бухора шаҳрида Ўзбекистон "Ёшлик" ЖЖ Марказий кенгаши биринчилиги учун 1985-86 йилларда туғилган қизлар ва ўсмирлар ўртасида баскетбол мусобақалари ўтказилди. Қизлар беллашувида Тошкент шаҳридаги 7-ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар спорт мактаби вакиллари барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ҳурмат шоҳсупаси тепасидан жой олишди. Бухоро шаҳридаги 5-ихтисослашган спорт мактаби командаси иккинчи, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги 2-БЎСМ жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар ўртасидаги учрашувлар ҳам муросасиз курашлар остида ўтди. Беллашув якунига кўра пойтахтимиздаги 7-ихтисослашган спорт мактаби командаси биринчи, Бухородаги 5-ихтисослашган спорт мактаби тарбияланувчилари иккинчи, Навоий шаҳридаги 26-болалар-ўсмирлар спорт мактаби командаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ғ.МАННОПОВ

"Маърифат" газетаси таҳририяти Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ахборот" дирекцияси директори ўринбосари Садриддин Суяровга отаси
ЛАТИФ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Маърифат" газетаси таҳририяти "Ёш куч" журналининг бош муҳаррири, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази раҳбари Эркин Абдураҳмоновга отаси
МУХТОР отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси бош методист Фотима Холмирзаевага акаси
Рустамжон СОБИТЖОНОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Республика таълим маркази жамоаси "Соғломлаштириш" бўлими бошлиғи муовини Муҳаббат Магаметовага онаси
Анорой МАГАМЕТОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими жамоаси ва туман касаба уюшма қўмитаси 106-махсус мактаб-интернат раҳбари Феруза Йўлдошевага отаси
Акбар ака АСАДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Гап уларнинг тилла тақинчоқларни тақиб юришларида эмас, аксинча, шу зиракларни меъёридан ортиқча ва бемаврид пайтда ҳам кўз-кўз қилишларида.

ЭРТАК АЙТИНГ

Жияним билан суҳбатлашаётиб унинг бир фикри эътиборимни тортди: "Мен кинолардаги ҳар хил портлашларни мириқиб томоша қиламан. Ҳатто компьютерда ҳам фақат шундай ўйинлар ўйнайман".

Очиғини айтсам, унинг бу гапидан қўрқиб кетдим ҳам. "Ие, террорист уйимда экан-ку?" деб юборибман.

Жиянимнинг ўз қизиқишини мириқиб гапириб бериши мени ўйлантирди.

Фарзанднинг тарбияси ўта нозик масала эканини биламиз. Қаердадир хатоликка йўл қўйилдими, тамом, уни ўнглаб бўлмайди. Шундай экан, уларнинг ҳар бир фикрини таҳлил қилиб, керакли йўналишни ўз вақтида бериш керак. Бунинг учун боланинг борлиғини ҳис қилиш керак. Унинг руҳиятига таъсир қилиш учун ҳар хил усуллар, улар учун қизиқ машғулотларни ўйлаб топиш лозим. Халқимизда бунинг энг оддий ва қадимий, шу билан бирга натижа берувчи усули— эртак айтишдир.

Қувонарлиси шуки, халқимизда эзгуликка етакловчи, адолатни тарғиб қилувчи, илмга, табиатга меҳр уйғотувчи эртаклар талайгина. Уларнинг маиший, ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли эртакларга бўлинишини деярли ҳаммамиз биламиз. Бу эртаклар инсонни яхшилик қилишга, ширин сўз, хақпарвар бўлишга, ёвузликка қарши эзгулик билан жавоб беришга, сабрга ўргатади.

Эртак тинглаган болалар, эрта унинг оламидаги адолатни, гўзалликни ҳаётдан қидиради. У юқорида учраган ҳар хил "портлатиш" фикрларидан йироқ бўлиб, эртага, кўз ўнгингизда ўша сиз айтиб берган эртакларнинг ботир қаҳрамонига айланади.

Эртакларда айтилганидек, чумолига ёрдам бериш, қуш полапонларини ёвуз ниятли маҳлуқлардан асраб қолиш ҳақида ўйлай бошлайди ва бу фикрлари бора-бора улғайиб, бутун инсониятга бўлган муҳаббатга айланади.

Наргиза АЗИМОВА

БОЗОР—КЎЗГУ

Voqea

Ўтган шанба, муборак Рамазон ойининг иккинчи куни кундалик эҳтиёж заруратн билан бозорга тушдик. Бозор — кўзгу. Ёмоннинг яхшиси, яхшининг ёмони бозорда намоён бўлади. Шундай кунларга етказганига шукроналик ҳисси билан ул-бул харид қилдик. Довруғи таралган Отчопар бозоридан чиқиб, трамвай бекати томон юрганингизда, йўлнинг икки тарафини ҳар хил мева-чевалар сотиб ўтирганлар эгаллашган. Аксарияти аёллар. Уларнинг биридан ёнғоқ харид қилмоқчи бўлдик. Нархини сўраган эдим, 3 килоси 1000 сўм экан, тағин идиши билан. Арзонлигига ҳайрон бўлиб 3 кило сотиб олдик. Сотувчи чўзиладиган қўл тарозиси билан тортиб берди. Ҳатто 3 килодан ҳам ошиқроқ чиқди — "оғири билан". Пулни санар эканман, кўнглимда шубҳа туғилди. Дилимдаги тилимга кўчди. Сотувчи эътироз билдирган ҳолда, ишончимни қозониш учун ёнидаги шеригининг тарозисига тортиб кўрсатди. Тўғри чиқди. Шубҳам тарқагандек бўлди. Ахир, муборак Рамазон кунларидамиз...

Трамвай бекати томон юрар эканмиз, кўзим йўл четидаги ер тарозисига тушди. Истиҳола билан ёнғоқни унга тортиб кўрган эдик, 2 килою 200 грамм чиқди!..

Бояги ёнғоқ фуруш сари қайтиб борар эканман, унинг тортишишини, ҳатто жанжал қилишини кутдим, чунки у аёл киши эди — тирикчилик важидан бозорга чиққан аёл. "Рўзадорман, босиқ бўлишим керак". Шу жумлани хаёлимда такрорлаб бордим. У мени ниҳоятда хотиржам кутиб олди-да, шерикларидан бирига деди: "Чин тарозингизни беринг, починни қайтармайин...".

Уялиб кетдим. Сотувчи аёл миллатдошим эди, юртдошим эди. Унинг ҳам фарзандлари бордир. Шериклари-чи?..

Муборак Рамазон ойи бошланган эди. Сабр-қаноат, эҳсон, такво, ҳидоят ойи...

Ҳусан КАРВОНЛИ

«ЁВҚУР» КРОССВОРДИ



Бўйига: 1. Ширинлик тури. 2. Эчкининг эркаги. 3. Саҳарги намоз. 4. Рамазон ойида бериладиган садақа. 5. АҚШ космик кузатув станцияси. 6. Икки предмет орасидаги масофа. 7. Франциянинг қадимий қироли. 8. Япония пул бирлиги. 11. Кўпчилик, кўп. 12. Меҳрибонлик уйи. 14. Оммавий транспорт тури. 17. Жанубий Корея автомобиль русуми. 18. Машаққат. 19. Уйнинг олд қисми. 20. Эски пахта. 21. Эпчил, чаққон. 26. Фарғона вилоятидаги туман маркази, шаҳар. 28. Гўштсиз, ёғсиз тайёрланадиган суюқ овқат, шўрва. 32. Қадимги Сўғдиёна вилоятининг номи. 33. Йўл тўсар, босқинчи. 34. Сабзавот экини. 35. Бошма-бошига олишмоқ. 36. Қиз болалар исми. 38. Хайқириқ садоси. 40. Тамом, охир. 43. Ҳоразмча рақс. 45. Ёқимли, ювош. 47. Ёшлар ижтимоий ҳаракати. 49. Ҳурмат-эҳтиромли муомала, муломат. 50. Тўқай, ботқоқларда яшайдиган қуш. 52. Машҳур ўзбек футболчиси. 53. «Сир»нинг кўплиги. 54. Гўштли, хамирли овқат. 55. Қимматбаҳо металл. 56. Илдиз. 62. Ҳарфлар жадвали. 63. Ошиқ, шайдо. 66. Қишки оёқ кийими. 67. Осиё ва Африкада яшовчи миллат. 68. Тожмаҳал жойлашган шаҳар. 69. Нур, зиё. 70. Оҳ, фарёд. 71. Иш оти.

Энига: 1. Имтиҳон шакли. 7. Ўғирнинг кичиги. 9. Ёлғончи. 10. «Сеҳрли диёр». 13. Бадан. 15. Теннисда қўлланиладиган анжом. 16. Гул тури. 18. Масофадан туриб хабарлашиш. 20. Ўзбек эстрада хонандаси исми. 22. Ғалағовур. 23. Жасур, мард. 24. Хавф, таҳлика. 25. Рухсат, изн. 27. .... ишора. 29. Майда пул. 30. «Меҳробдан чаён» асарининг бош қаҳрамони. 31. Ғалаён. 33. Ундан тайёрланадиган таом. 36. Арманистон пул бирлиги. 37. Самарқанд вилоятидаги туман. 38. Ишончли. 41. Усталик билан иш кўрувчи. 42. Таом пишириш учун зарур бўлган маҳсулот. 44. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқаси муаллифи. 46. Балиқ увулдириғи. 48. Мақсад учун ҳаракат. 51. Уруғи топилмайдиган афсонавий қуш. 53. Кимёвий элемент. 56. Уят, номус. 57. Наво. 58. Борган сари. 59. Матонат, қатъият. 60. Касал, бетоб инсон. 61. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар. 64. Ўрам. 65. Нашр этувчи. 66. Италиядаги машҳур вулқон. 68. Юртимиздаги энг катта дарё. 70. Автомобиль русуми. 72. Биринчи саҳоба. 73. Қозон сочиқ (шевада). 74. Денгиз қисқичбақаси. 75. Атлантика океани ҳавзасидаги денгиз.

Тузувчи:
Дилшодбек ЖАББОРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Газетамизнинг 17 ноябрь сонида берилган кроссвордларнинг жавоблари:

«Ҳикматлар хазинаси» муаммомаси

«Очқич» сўзлар: 1. Шуъла. 2. Остидан. 3. Ўрганишни. 4. Эмас, ҳунар. 5. Яна. 6. Йўқким, хорижи. 7. Айб, ўз. 8. Барча. 9. Ҳарф, юз.

Ҳикматли сўзлар:

1. Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз эмасдир ҳақни кўрмас бўлса ул.
Жалолиддин Румий.

2. Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.
Муслиҳиддин Саъдий.

«Торнадо» кроссворди

ЭНИГА: 1. Работ. 5. Адиба. 8. Соат. 9. Лупа. 12. Нодира. 14. Табиат. 15. Асака. 16. Ача. 17. Осётр. 18. Ганди. 19. Ота. 22. «Ароба». 25. «Фидокор». 28. Фаросат. 29. Шар. 31. «Бобурнома». 32. Аргентина. 34. Кам. 37. Аспирин. 38. Онадўли. 40. Водий. 44. Эрк. 45. Олтин. 46. Чивин. 47. Най. 48. Алоқа. 50. «Онажон». 51. Зийрак. 52. Япон. 53. Олой. 54. Арава. 55. Тракт.

БЎЙИГА: 2. Барлос. 3. Дала. 4.Лупа. 6. Италия. 7. Совчилик. 8. Султон. 10. Андава. 11. «Шайтанат». 13. «Парвона». 20. Форобий. 21. Қобулий. 23. Мастона. 24. Торнадо. 26. Крона. 27. Ургут. 29. Шак. 30. Ром. 33. Аспирант. 35. Андижон. 36. Альманах. 39. Гвинея. 41. Обидий. 42. Кошона. 43. Андиша. 48. Анор. 49. Алла.

Ma'rifatsiz kishilar

ЗИРАГИ ТИЛЛО ТАЛАБАЛАР

баъзан тақинчоғи ташвишини тортмоқдалар

Аёл зоти борки, зиракни кўрганида эс-ҳушини йўқотади. Хаёл оғушига чўмиб кетади. Қурб-қудрат топиб уни ололса, ўзида йўқ севинчда, имкон тополмаса армонда яшайди. Лекин уларнинг аксарияти ўзлари тақиб юрган қимматбаҳо тақинчоқларнинг асл моҳиятини англамаса-да, бу зираклар билан ўзини кўз-кўз қилиш мумкинлигини жуда яхши билишади. Билмадим, балки бу одат уларга йўргагида текканми, ҳали мактабни тугатмаган ёки эндигина талаба бўлган ёш қизлар ҳам тақинчоқларга жуда ўч.

Қисқаси, гап уларнинг тилла тақинчоқларни тақиб юришларида эмас, аксинча, шу зиракларни меъёридан ортиқча ва бемаврид пайтда ҳам кўз-кўз қилишларида. Айниқса, ёш қизларнинг тилла зирак тақишлари айрим нафси бузуқ бандаларнинг қабиҳ ниятларини амалга оширишга бирмунча қўл келмоқдаки, улар пайти, имкони бўлди дегунча қизалоқлар қулоғидаги зиракларни ёки бўйнидаги мунчоқларни юлиб қочишга уринмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида номаълум шахс Себзор даҳаси 34-уйнинг йўлагида Тошкент давлат педагогика университетининг 4-босқич талабаси Н.Муҳаммаджонованинг бўйнидан тилла занжирини юлиб қочган.

Ички ишлар ходимлари томонидан зудлик билан кўрилган чора-тадбирлардан сўнг уни Калантай кўчасида яшовчи 1982 йил туғилган ғирт бекорчи Б.Усмонов содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани 7-мавзесидаги 42-уйнинг олдида 317-сонли ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ф.Алимуҳамедованинг бўйнидан тилла занжирини юлиб қочганидан сўнг унинг ота-оналари ички ишлар ходимларига мурожаат қилади.

—Сизнинг қизингиз ҳам зирагини ўғирлатдими?! Э опа, нима қиласиз ёшгина қизчангизга шунча қимматбаҳо нарсани тақиб, — дейишади милиция ходимлари. Шунда у аёл, вой, тақмасак уни нимага олдик. Ҳали-ку мани қизим 9-да ўқийди. Одамлар 1-синфдаги қизининг бўйнига тилла тросс осиб қўяпти-ю, дейди.

— Кечирасиз опа, одамлар эмас, айрим кишилар денг.

— Ҳа, айрим одамлар. Нима дейсиз. Ўғрини топасизларми, йўқми. Ёки болам энди мактабга ҳам боролмай қолсинми?

— Нега бормайди опа, қизингиз бемалол мактабига бораверсин.

— Вой, нима деяпсиз, сўппайиб зираксиз борадими?

— Хуллас опа, бундан буёғига, қизингиз зирак тақиб борса ўзингиз ҳам ёнида боришингизга тўғри келади, — дейишадию, милиция ходимлари юлиб қочарни топишга киришадилар. Чунки агар бундайларнинг бирини ушлаб таъзирини бермасанг дарров иккинчиси пайдо бўлишини ички ишлар ходимлари яхши билишади. Шу боис, тезкор тадбир ўтказишиб, ҳеч қаерда ишламайдиган 8-мавзеда яшовчи 1970 йил туғилган А.Киритовни қўлга олишади.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 1-кичик туман ҳудудида жойлашган «Алладин» номли қаҳвахона олдида кетаётган 7-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси 1985 йил туғилган Г.Сейтвалиева ҳам уйига йиғлаб кириб келди. Негаки унинг қулоғидан ҳам сариқ металдан ясалган зирагини номаълум кимса тортиб олиб қочиб кетганди.

Ота-онанинг аризасига кўра, ички ишлар ходимлари томонидан зудлик билан кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ушбу жиноятни 2-кичик туман 52-уйда яшовчи 1985 йилда туғилган Гирсон Шин содир этганлиги аниқланиб ушланган.

Ушбу вилоятнинг Бекобод шаҳридаги Саломатин кўчасида кетаётган Бекобод саноат коллежининг 1-босқич талабаси 1985 йил туғилган Э. Раҳимова ҳам ота-онаси олиб берган бўйнидаги икки дона занжирини кўчада вақтинча бўлсин бир безорига қолдиришга мажбур бўлди. Чунки унинг изидан тушган юлғич, бир ҳамла билан унинг бўйнига чанг солди-ю, зиракларни юлиб олиб жуфтакни ростлаб қолди.

Кимга иш — ички ишлар ходимларига. Улар юлиб қочарнинг изидан тушдилар. Ранги-рўйи афт-ангори қисман маълум бўлган йигитча орадан 15 кун ўтгач, маълум бўлди. Шу шаҳарнинг Шахматчилар кўчасида яшовчи Ш.Жўраевдан Раҳимованинг зираклари топилди.

Ангрен шаҳридаги Чикризов кўчасида жойлашган 4-ўрта мактабнинг олдида кетаётган шу мактаб ўқитувчиси А.Қурбонова ҳам бўйнидаги қимматбаҳо тақинчоғидан айрилиб қолгани учун ички ишлар ходимларига ариза кўтариб келди.

Андижон шаҳрининг Машраб кўчасида кетаётган муаллима аёл ҳам худди юқоридаги талаба қизлари сингари манзилимга тезроқ етиб олсам, деган илинжда кетаётганди. Ёнида бир шарпа пайдо бўлди-ю, зув этиб йўқолди-қолди. Чўчиб тушганидан ёқасига туфламоқчи бўлганди, кўнгли ғалати бўлди. Нимадир чирт этгандек, бўйнида нимадир йўқдек...

Ҳа, бу шарпа унинг бўйнидаги тилла мунчоғини юлиб қочганди. Кечроқ бўлса-да ҳодисани тушунган аёл милицияга югурди.

Қоғоз қалам қилингач, иш бошланди. Кўп ўтмай юлиб қочар тутиб келтирилди. Не кўз билан кўрсинки, ёшгина бола милиция ходимлари олдида ер чизиб турарди. Қилган ишидан пушаймон бўлиб кўзлари жовдириб турган бу йигитча эса шаҳардаги мактаблардан бирининг 10-синф ўқувчиси экан.

Самарқанд шаҳрида ҳам бундай юлғучлар онда-сонда бўлсин, учраб турибди. Ал Хоразмий кўчасидаги 49-мактабнинг ёнида кетаётган О.Ҳайитова ҳам биров бўйнимга чанг солади, деб сира ўйламаганди. Бир зумда зув этиб келган шовқиндан ҳангу манг бўлиб қолдию бир пас ўтиб бўйни ачишаётганини сезди... ёқасини ушлаб ичи музлаб кетди.

«Зирагим, тилла зирагим!» дея, бирпас ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Лекин дарров ўзини қўлга олиб милицияга югурди.

Тилла зиракни юлиб қочган шоввоз бир ҳафта дараксиз кетди. Бироқ ички ишлар ходимлари тилла занжир хушторини топишиб, юлиб олиб қочган занжирини қайтариб беришга мажбур қилишди. Опажон иккинчи маротаба бўйнингиздан тилла зирагингизни олмайман деб, афсус чекаётган бу кимсанинг эркин юриш вақти зирак узилган маҳалда тўхтаган эди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ.
Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-3017. Тиражи 14 527
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00